

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарнинг
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарнинг МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги олий таълим тизими педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Тармоқ маркази
директори _____ Г.Ахунова
“_____” _____ 2015 й.

“ЛОГИСТИКА” МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар: и.ф.н., доц. Д. Ахтарова, Ф. Ёзиев

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	8
1-мавзу. Логистиканинг замонавий концепциялари.....	8
2-мавзу. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.	21
3-мавзу. Инновацион логистика: логистикада ахборот технологиялар	31
ТАҚДИМОТ	42
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	63

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқувтарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзgartирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

• Тингловчиларга замонавий логистика тизими ва унинг илмий-назарий концепциялари тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

• Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing) концепцияси, унинг тамойиллари ва методологияси, логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш асосларини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

• Моддий оқимларни бошқаришнинг тортилувчи ва туртилувчи тизимлари, транспорт логистикаси, Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

• Рециклинг логистикасининг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалиги логистикаси ва инфратузилмаси, ривожланган давлатларнинг агрологистик сиёсати

борасидаги тажрибаларини таҳлил этиш, мамлакатимиз иқтисодиётига илғор тажрибаларни жорий этиш йўлларини ўрганишдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Логистика” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда кўллаш бўйича кўнкмаларга эга бўлиши зарур;
- логистика тизими ва концепциялари ҳақидаги фундаментал билимларга эга бўлиши зарур;
- логистика фаолиятининг ташкилий, ҳуқуқий асослари бўйича кўнкмаларга эга бўлиши зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Мазкур модуль логистика ва инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва республикамиз логистика соҳасидаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклamasи, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклamasи				Жумладан	Мустакил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Логистиканинг замонавий концепциялари	4	4	2	2	-	-	-
2.	Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.	10	8	4	4	-	2	
3.	Инновацион логистика: логистикада ахборот технологиялар	14	8	4	4	4	2	
	Жами:	28	24	10	10	4	4	

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Логистиканинг замонавий концепциялари (2 соат).

Режа

1. Логистиканинг замонавий концепциялари.
2. Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing) концепцияси, унинг тамойиллари ва методологияси.
3. Логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш.

2-мавзу. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари (4 соат).

Режа

1. Транспорт логистикаси.
2. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.
3. Ишлаб чиқариш логистикаси ва тизимлари: АҚШ, Европа ва Япония тизимлари.
4. Тижорат ва сервис логистикаси.

3-мавзу. Инновацион логистика: логистикада ахборот технологиялар (4 соат).

Режа

1. Логистикада иқтисодий, математик ва имитацион моделлар.
2. Инновацион логистика.
3. Логистикада ахборот технологиялари: “touch screen”, “voice picking”, “pick by light”, RFID.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Логистиканинг замонавий концепциялари (2-соат).

Режа

1. Логистиканинг замонавий концепциялари.
2. Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing) концепцияси, унинг тамойиллари ва методологияси.
3. Логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш.

2-мавзу. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари (4 соат).

Режа

1. Транспорт логистикаси.
2. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.
3. Ишлаб чиқариш логистикаси ва тизимлари: АҚШ, Европа ва Япония тизимлари.
4. Тижорат ва сервис логистикаси.

3-мавзу. Инновацион логистика: логистикада ахборот технологиялар (4 соат).

Режа

1. Логистикада иқтисодий, математик ва имитацион моделлар.
2. Инновацион логистика.
3. Логистикада ахборот технологиялари: “touch screen”, “voice picking”, “pick by light”, RFID.

КЎЧМА МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур йўналиш бўйича 4 соат кўчма машғулот ташкил этилади. Кўчма машғулотлар логистика марказларида ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилади.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Логистика” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет

сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012 й.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: Ўзбекистон, 25 декабр 2007 йил, 263-бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11февралдаги “2015-2019 йилларга тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Даствури тўғрисида”ги ПҚ-2298-сон қарори

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилд 4 март “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4707 сон Фармони

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 06.03.2015 даги “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш Даствури тўғрисида”ги ПҚ-2313-сон қарори

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270- сонли Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон Қарори.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий-меъёрий хужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайta тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

3.2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54- қарори. –Т.: 1999й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кент йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

4.3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

V. Дарслклар, Ўқув қўлланмалар

- 5.1. Гайдаенко А.А., Гайдаенко О.В. Логистика. Учебник. 2-е изд. – М.: КНОРУС, 2009. – 277с.
- 5.2. Гаджинский А.М. Логистика. Учебник. 13-е изд. – М.: «Дашков и Ко», 2006. – 432с.
- 5.3. Канке А.А., Кашевая И.П. Логистика. Учебник. – М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2005. – 350с.
- 5.4. Неруш Ю.М. Логистика. Учебник. 4-е изд. – М.: ООО «Изд. Проспект», 2006. – 520с.

VI. Интернет сайтлари

- 6.1. www.gov.uz
- 6.2. www.mf.uz
- 6.3. www.lex.uz
- 6.4. www.cb.uz

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Логистиканинг замонавий концепциялари.

Режа

- 1. Логистиканинг замонавий концепциялари.**
- 2. Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing) концепцияси, унинг тамойиллари ва методологияси.**
- 3. Логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш.**

Калит сўзлар: логистика, концепция, тежамкор ишлаб чиқариши, тамойил, методология, моддий оқим, ахборот оқими, молиявий оқим, Ягона буюм оқими, Канбан, TPM (total productive maintenance), 5S тизими, SMED, Кайдзен, пока-ёкэ, DMAIC, SIPOC.

1. Логистиканинг замонавий концепциялари.

Концепция – бу ёндашувлар тизими, ҳодисаларни, жараёнларни у ёки бу тарзда тушунишдир. Моддий оқимларни бошқаришни оқилона ташкил этиш йўли билан хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёндашувлар тизими логистиканинг концепциясini характерлайди.

Бу концепциянинг ташкил этувчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- логистика масалаларини ечишда тизимли ёндашув тамойилини амалга ошириш;
- иқтисодий келишувлар асосида қарорлар қабул қилиш;
- бутун логистик занжир давомида харажатларни ҳисобга олиш;
- логистикага корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш.

Тизимли ёндашиш тамойилини амалга ошириш.

Логистикада тизимли ёндашиш хўжалик юритувчи субъектларни ўзаро боғлиқ тизим остилар комплекси – ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилиш бўлинмалари сифатида кўриб чиқиши назарда тутади, улар ташки мухитдан олинадиган ва узатиладиган маълумотлар асосида бошқарилади. Логистик тизимларнинг фаолияти мураккаб асос – натижа алоқаларининг ҳам тизимлар ичида, ҳам ташки мухит билан муносабатларида вужудга келиши билан характерланади. Бундай шароитларда тизимлар фаолиятининг умумий мақсадларини ҳисобга олмасдан, алоҳида қарорлар қабул қилиш етарли эмас ёки хато бўлиши мумкин.

Мисол. Корхонанинг бошқарув бўлими шакарни қоғоз пакетларга жойлаштириши ҳақида қарор қабул қиласди. Қопларга қадоқланган шакарни ташишига, юклашга ва бошига технологик амалларни бажаришга мослаштирилган умуман товар ҳаракати тизими бу қарорга қандай муносабатда бўлади?

Тизимли ёндашишга биноан ишлаб чиқарувчи корхонада шакарни қадоқлаш ҳақидаги қарорлар транспорт ва савдо-сотиқ ташкилотларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур ва мақсади моддий оқимни оптималлаштиришдан иборат бўлиши керак.

Иқтисодий компромисс (келишув)лар асосида қарорлар қабул қилиш – иқтисодий ккелишувларни ишлатиш ҳамда логистик жараёнда қатнашувчи ҳамма

ишилаб чиқариш ташкилотларининг қизиқиши доирасини намоён қилувчи ҳисоботларда акс этади. Иқтисодий компромисслар асосида қарорлар қабул қилиш, товар ҳаракатининг алоҳида босқичларини туташув жойларида логистиканинг аралаш функциялари талабларини ҳисобга олиш заруриятини қўзда тутади. Бу келиб тушишининг ҳажми, тезлиги ва унга кетадиган харажатлардаги кўрсаткичларниң ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши, харидлар миқдори ҳақида қарорлар эса буюртмани бажаришга кетадиган харажатлар ва заҳираларни сақлашга кетадиган харажатлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши зарурлигини билдиради.

Бутун логистик занжир давомида харажатлар ҳисоби. Логистиканинг асосий мақсадларидан бири – моддий оқимнинг бирламчи хом ашёдан то охирги истеъмолчигача етказиб беришга кетадиган харажатларни бошқаришдир. Лекин товар ҳаракати жараёнида харажатларни бошқариш фақатгина чуқур ҳисобот амалга оширилсагина мумкин бўлади. Логистик жараёnlар ва ишилаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тизими, логистик функцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган харажатларни ажратиши, энг муҳим харажатлар ҳақида, ҳамда уларнинг ўзаро таъсири ҳақида маълумотларни шакллантириши зарур. Бу шарт бажарилса, логистик тизимнинг оптималь шаклининг асосий мезонини ишлатиш имконияти вужудга келади – бутун логистик занжир давомида энг кам харажатлар йиғиндиси ҳосил бўлади.

Логистикага корхонанинг рақобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш. Логистиканинг рақобатбардошлик омили сифатида кўриб чиқилиши, шу соҳада қабул қилинаётган қарорлар, маҳсулот сотишдан тушадиган фойдага кўрсатадиган таъсири нуқтаи назаридан баҳоланиши зарурлигини қўзда тутади. Шунинг учун логистикани корхона ишининг асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар билан боғлиқлигини акс эттирувчи кўрсаткичларни қидириш масаласи юзага келади.

Логистиканинг асосий мақсадлари. Иккинчи даражали мақсадлар логистиканинг бош мақсадига эришиш воситалари бўлиб ҳисобланади ҳамда асосий мақсадларга хизмат қилиб, уларни логистика соҳасидаги корхонанинг фаолияти аниқлаб беради.

1-жадвал

Логистиканинг асосий мақсадлари ва уларни амалга ошириш

Фаолият соҳаси бўйича	Логистиканинг асосий мақсадлари	Логистика мақсадларини амалга ошириш бўйича бажариладиган ишлар йўналиши
Материалларни харид қилиш	Минимал нархлар бўйича харид қилишни амалга ошириш. Келиб тушишнинг ишончлилигини ошириш. Материаллар келиб тушиши ва қайта ишлаш жараён-ларининг синхронлигини таъминлаш	Материалларга буюртмаларни шакллантириш. Етказиб берувчиларни танлаш. Материалларнинг келиб тушиш графигини ишилаб чиқиш. Ишилаб чиқаришнинг моддий ва техник таъминотида қатнашувчи бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш ва лойиҳалаштириш
Маҳсулот ишлаб чиқариш	Ишилаб чиқариш жараёни-нинг узлуксизлигини таъминлаш. Олинган буюртмаларни таркиби ва сифат бўйича бажариш. Ишилаб чиқариш харажат-ларини камайтириш.	Ишилаб чиқариш жараёнида материалларни ташиш ишларини ташкил этиш. Иш жойларига материалларни етказиб беришни таъминлаш. Ишилаб чиқаришда моддий

	Ишлаб чиқаришни ўзгарув-чан талабларга мослаштириш. Тайёр маҳсулотнинг заҳира даражасини камайтириш.	оқимни бошқариш. Ишлаб чиқаришда материаллар заҳирасини бошқариш.
Тайёр маҳсулотни сотиш	Истеъмолчилар талабини қониқтириш. Буюртма ва шартномаларга кўра маҳсулот етказиб бериш. Етказиб берувчи тизим тайёрлигининг юқори даражада бўлишини таъминлаш.	Маҳсулот истеъмолчилари билан тўғри алоқаларнинг ўрнатилиши, буюртмалар портфели шаклланиши. Истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни ташкил этиш. Истеъмолчиларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш. Тайёр маҳсулотни омборга жойлаш-тиришни ташкил этиш. Тайёр маҳсулот заҳирасини бошқариш.

Маълумки, сотишни ташкил этишда асосий муаммо бўлиб буюртма олиш ҳисобланади. Бу муаммо истеъмолчилар билан алоқаларни ўрнатиш ва қидириш, уларга сервис (хизмат) кўрсатишни ташкил этиш орқали ҳал этилади. Асосий эътибор қуидаги саволларга қаратилади: корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот устидан назорат қилиш; сотиб олинган техникани, унинг кафолатланган хизмат кўрсатиш муддатига мос ҳолда ишлатиш ва созлаш. Бу соҳадаги ишларнинг асосий йўналишлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: хизмат кўрсатиш услубларини такомиллаштириш; маҳсулот сифатини ўрганиш ва аниқлаш; созлаш бўлинмаларнинг эҳтиёт қисмлари билан марказлашган таъминотини ташкил этиш.

Кўрсатилган мақсадларни амалга оширишнинг ташкилий механизми логистика тизими сифатида келтирилиши мумкин.

Логистика тизими – бу моддий оқимларни бошқариш ва ташкил этишнинг шакллари, услублари ва қоидаларнинг йиғиндинисидир.

Логистика тизими таркибида тизимостиларнинг учта даражаси ажратилади:

- элементли даражаси;
- функционал даражаси;
- ташкилий даражаси.

Биринчи даражали (элементли) тизимостилар логистик занжирнинг асосий бўғинлари самарали ишлашини ва ўзаро келишилганлигини таъминлашга қаратилган фаолият турларини белгилаб беради. Улар қаторига қуидаги тизимостилар киради: логистика бўлинмаларнинг фаолиятини ташкил этиш, омборлар ва транспорт ишини ташкил этиш.

Логистик тизимнинг функционал даражаси тузилиши жиҳатидан, моддий оқимларни бошқариш услублари ва тамойиллари жиҳатидан турли хил бўлган жараёнлар гуруҳини таснифлаб беради. Бу тизимостилар гуруҳи қуидагилардан иборат: ишлаб чиқаришда моддий оқимларни ташкил этиш, харидларни бошқариш, логистика қарорларининг ҳуқуқий ва ахборот таъминотини ташкил этиш, маҳсулот сотишни ташкил этиш.

Ташкилий даражаси – жараёнларнинг ҳамма гуруҳларини бир бутун жараёнга йиғувчи тизимостиларни ўз ичига олади. Бу тизимостилар: буюртмаларни бошқариш ва ишлаб чиқаришда моддий оқимларни бошқаришни ташкил этиш.

Кўрсатиб ўтилган тизимостиларнинг ҳар бири ўзига тегишли масалаларни ҳал қиласди.

Масалан, омборлар ишини ташкил этиш тизимостиси омборлар сони ва тузилишини, улар бажарадиган ишларни аниқлаб бериш, материаллар ҳисоби ва назорати бўйича муаммоларни ҳал қиласди. Транспорт ишини ташкил этиш тизимостиси транспорт воситаларининг тури ва миқдори, транспорт йўналишлари ва ҳаракатланиш чизмаларини ўрнатиш, юк оқимларини оптималлаштириш бўйича муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Логистика бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этувчи тизимости у бажарадиган ишлар, логистика жараёнини кадрлар билан таъминлаш бўйича муаммоларни ҳал қилиш учун хизмат қиласди.

Логистик фаолиятни амалга ошириш корхонадаги бошқа турдаги фаолиятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Логистик функциялар тез-тез турли хил бўлинмалар томонидан амалга оширилади. Масалан, корхонанинг бир бўлинмаси материалларни сотиб олиш билан, бошқаси – захираларни сақлаш, учинчиси – тайёр маҳсулотни сотиш билан шуғулланади. Бунда алоҳида бўлинманинг мақсадлари, асосан, ташкилот моддий оқимининг рационал мақсадлари билан мос келмайди.

Корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришга логистик ёндашув логистиканинг маҳсус хизматини ажратишни кўзда тутади, бу хизмат етказиб берувчи билан шартномали муносабатларни шакллантиришдан бошлаб то тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган моддий оқимни бошқариши зарур.

Логистика ва маркетинг. Логистика билан маркетингнинг ўзаро боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, маркетинг хизмати томонидан ҳал қилинадиган корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ассортиментини бошқариш ва хизмат кўрсатишни режалаштириш логистик бўлинмалар билан биргаликда амалга оширилади. Бунда логистика хизматининг мақсади бўлиб, маркетологлар томонидан асослаб берилган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга кетадиган хом ашёни етказиб бериш ва захираларни бошқариш ҳисобланади.

Логистика ва ишлаб чиқаришни режалаштириш. Корхонада логистика хизмати ишлаб чиқаришни режалаштириш билан чамбарчас боғлик. Бу ишлаб чиқаришни, хом ашёни, материалларни, эҳтиёт қисмларни маълум миқдорда ва сифатда вақтида етказиб берилишига тобеълиги билан асосланади. Шунинг учун логистика бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида қарорлар қабул қилиш ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш графикларини шакллантиришда қатнашиши керак. Логистик хизматнинг муҳим функцияси бўлиб хом ашёни ва эҳтиёт қисмларни цехларга, иш жойларининг ўзига етказиб бериш ва тайёр маҳсулотни сақлаш жойларига ўтказиш ҳисобланади. Шу функцияни амалга оширишда логистиканинг ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлиқлиги, ҳар хил жойларда захираларнинг кўпайишига, ишлаб чиқаришга қўшумча оғирлик юзага келишига олиб келади.

Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing) ва Олти сигма (SIX-SIGMA) концепциялари хозирги кунда кенг қўлланиладиган логистик концепциялар ҳисобланади

2. Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing), Олти сигма (SIX-SIGMA) концепциялари, уларнинг тамойиллари ва методологияси.

Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing)

Тежамкор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш концепцияси бўлиб, ушбу концепция барча турдаги йўқотишларни доимий равища бартараф этишга қаратилган. Тежамкор ишлаб чиқариш бизнесни оптималлаштириш жараёнларига барча ходимларни максимал жалб этишни ва истеъмолчиларга йўналтиришни назарда тутади. Тоёта компаниясининг ишлаб чиқариш тизими тоғасини жорий этиш натижасида юзага келган.

Концепциянинг бошланиш нуқтаси – маҳсулотни яратилишининг ҳар бир босқичида унинг охирги истеъмолчи учун қайматини баҳолаш. Асосий вазифа сифатида йўқотишларни бартараф этишни узлуксизлигини таъминлашдир, яъни ресурс талаб қилувчи лекин қиймат қўшмайдиган ҳар қандай ҳарактни бартараф этиш. Йўқотишга синоним сифатида японча муда сўзи ишлатилади.

Концепцияга мувофиқ корхонанинг фаолияти истеъмолчилар учун қиймат қўшувчи яъни маҳсулотнинг нархини оширувчи оепрация ва жараёнларга ташкил топган.

Тайити Оно 7 хил йўқотишларни ажратиб кўрсатади

1. қайта ишлаб чиқариш натижасидаги йўқотишлар
2. кутиш натижасида вақтнинг йўқотилиши
3. кераксиз транспортировка натижасидаги йўқотиш
4. ишлов бериш босқичларининг ортиқчалиги натижасидаги йўқотишлар
5. ортиқча заҳиралар туфайли йўқотишлар
6. кераксиз кўчишлар натижасидаги йўқотишлар
7. дефект маҳсулот ишлаб чиқариш натижасидаги йўқотишлар

Тайит Ононинг фикрича асосий йўқотиш бу қайта ишлаб чиқариш натижасидаги йўқотилар бўлиб қолган йўқотишлар унинг натижасида келиб чиқади. Джеки Лайкер “Дао Тайота” китобида яна бир йўқотиш турини қўшган:

8. ходимларнинг амалга оширилмаган бадиий салоҳиятлари

Булардан ташқари яна икки хил йўқотиш турларини ажратиб кўрсатиш керак – мурни (япон) – ишчиларни, ходимларни ёки ишлаб чиқариш қувватини ортиқча юклаш, ва – мурни (япон) – операцияларни нотекис бажарилиши масалан, талабнинг ўзгаришига қараб узук-юлуқ иш графигини ташкил этиш.

Тежамкор ишлаб чиқариш концепциясининг асосий тамойиллари

Жеймс Вумек ва Дэниел Жонслар ўзларининг “Тежамкор ишлаб чиқариш: Йўқотишлардан қутилиш ва компания гуллаб яшнашига қандай эришиш” номли китобида тежамкор ишлаб чиқариш моҳиятан қуйидаги беш босқичдан иборат жараён сифатида баён этиб:

1. Аниқ маҳсулотнинг қийматини аниқлаш.
2. Мазкур маҳсулот учун қийматни ташкил этиш оқимини аниқлаш.
3. Маҳсулотнинг қийматини ташкил этиш оқими ҳаракатини узлуксизлигини таъминлаш.
4. Истеъмолчига маҳсулотни тортиб олиш имконини бериш.
5. Муқаммалликка интилиш.

Бошқа тамойиллари орасида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: аъло даражадаги сифатга эришиш (“ноль нуқсонлар” тизими в.ҳ.к.), эгулувчанлик, истеъмолчилар билан узоқ муддатли алоқани ўрнатиш.

Тежамкор ишлаб чиқариш концепцияси доирасида кўпгина элементлар ажратиб келтирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири аниқ методни ифодалайди, баъзилари

эса, мусатқил ишлаб чиқариш концепцияси (масалан, кайдзен) статусига даъво қиласиди:

- Ягона буюм оқими;
- Канбан;
- TPM (total productive maintenance);
- 5S тизими;
- SMED;
- Кайдзен;
- пока — ёкэ (“хатолардан ҳимоялаш ва бака-ёкэ ахмоқдан ҳимояланиш”) — хатоларни олдини олиш методи.

Олти сигма (SIX-SIGMA)

Олти сига – Моторола корпорацияси томонидан 1986 йилда ишлаб чиқилган ва 1990-йй да оммалашиб кетган ишлаб чиқаришни бошқариш концепцияси. Концепциянинг моҳияти операцион фаолиятда сифатни яхшилаш, нуқсонларни ва статик қочишларни минималлаштиришдан иборат. Концепция сифатни бошқариш методлари шу жумладан статистик методлардан фойдаланади.

Номланиши грек ҳарфи σ билан белгиланган статистик тушинча бўлган ўртача квадартик оғишдан келиб чиқсан. Шундай қилиб сифатни бошқаришнинг олти сигма концепцияси 99,99966% дефектсиз ёки 1 милионта операциядан 3.4 та нуқсонли ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Олти сигма методикаси қўйидаги тамойилларга асосланади:

- Бизнесни муваффақиятли олиб бориш учун жараёнлар содир бўлишининг барқарорлиги ва олдиндан айтиш мумкинлигига эришиш лозим;
 - Ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнарининг кесишишларини характерлайдиган KPI кўрсаткичларни ўлчана олиши, назорат қилина олиши, такомиллаштира олиниши лозим;
 - Сифатни доимий яхшилаш мақсадида ташкилотнинг барча босқичдаги ходимлари айниқса раҳбар ходимларини жараёнга жалб этиш лозим.

Жараёнларни такомиллаштириш лойиҳаларини амалга оширишда қўпинча DMAIC (англ. define, measure, analyze, improve, control) босқичлари кетма кетилиги ишлатилади:

- Лойиҳанинг мақсади ва истиеъмолчишларнинг эътиёжларини аниқлаш;
- Жорий бажаришларни аниқлаш учун жараёнларни ўлчаш;
- Дефектлар келиб чиқиши сабабиларини таҳлил қилиш ва аниқаш;
- Дефектларни қисқартирувчи жараёнларни такомиллаштириш;
- Жараёнларнинг кейинги босқичларда ўзаро кесишишларини назорат қилиш.

DMAICдан ташқари SIPOC (supplier, input, process, output, customer) босқичлари кетма-кетлиги ҳам кенг қўлланилади.

2000 йй.да олти сигма ва тежамкор ишлаб чиқариш концепцияларини қўшма ҳолда қўллаш оммалашди.

2011 йилда Халқаро стандартлаш ташкилот ИСО олти сигма методологиясига бағишиланган 13053 сериясидаги 2 та стандартни ишлаб чиқди булар ИСО 13053-1:2011 ва ИСО 13053-2:2011

3. Логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш.

Моддий оқим – бу вакт оралығын көлтирилған ва ҳар хил логистик амалларни жорий этиш жараённан күриб чиқилаётгандан товар-моддий бойликларнинг йиғиндинсисидир.

Моддий оқимлар ташиш, омборга жойлаштириш ва хом ашё, ярим тайёр маҳсулоттар ҳамда тайёр маҳсулоттар билан бошқа моддий амалларни бажариш натижасыда юзага келади.

Ишлаб чиқаришнинг аниқ манбаидан то истеъмолчигача бўлган оралықда жойлашган бир турдаги ресурслар йиғиндинси оддий моддий оқимни юзага келтиради. Корхонада шаклланадиган бир нечта оддий оқимлар корхонанинг меъёрий фаолиятини таъминлаб берувчи интеграллашган моддий оқимни ташкил этади.

Моддий оқимларнинг ташқи ва ички, киравчы ва чиқувчи турлари ажратилади.

Ташқи моддий оқим – бу берилган логистик тизимга нисбатан ташқи муҳитда ўтадиган оқимдир.

Ички моддий оқим – бу берилган логистик тизимга нисбатан ички муҳитда ўтадиган оқимдир.

Киравчы моддий оқим – бу берилган логистик тизимга кираётган ташқи оқимдир.

Чиқувчы моддий оқим – бу берилган логистик тизимдан ташқи муҳитга чиқаётган моддий оқимдир.

Моддий оқимларни бошқариш материаллар ҳаракатининг йўналиш параметрларини аниқлашни кўзда тутади, улар қаторига қўйидагилар киради:

- моддий ресурсларнинг номланиши;
- моддий ресурсларнинг миқдори;
- бошланғич нуқта (таъминотчини танлаш);
- охирги нуқта (истеъмолчини танлаш);
- вакт (буортма бажарилиш муддати).

Ахборот оқими – бу логистика ичидан ташқи муҳит орасида айланадиган ҳамда логистик жараёнларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотлар йиғиндинсисидир.

Ахборот оқими моддийликка мос келади. Амалдаги логистик тизимларда моддий ва ахборот оқимлари, баъзи ҳолларда бир - биридан ўзиб кетиши мумкин. Ахборот оқими моддий оқим билан бир хил (тўғри) йўналишда ва унга қарама - қарши (тескари) йўналишга эга бўлиши мумкин. Тўғри йўналишда ўзиб кетаётган ахборот оқими юкларни кутилаётган келиб тушиши ҳақида маълумотларга эга бўлади, тескари йўналишда эса – буортма ҳақида маълумотларга. Моддий оқим билан бир вақтда унга параллел равишда кўчирилаётган ресурсларнинг сифат ва кўрсаткичлари ҳақида маълумот ҳам боради. Моддий кетидан тескари йўналишда юкни қабул қилиш натижалари ҳақида маълумот ҳамда норозиликлар ва тасдиқлар келиши мумкин.

Ахборот оқимининг ички ва ташқи, киравчы ва чиқувчи турлари ажратилади, уларнинг таснифи моддий оқим таснифлари билан бир хилдир.

Ахборот оқими вужудга келиш манбаи, йўналишлари, даврийлиги, ҳажми, ўтиш тезлиги ва ҳоказолар билан ажралиб туради. Ахборот оқимини бошқариш ўзининг таркибиға оқим йунилишини ўзгартириш ва унинг параметрларини чеклашни олади.

Молиявий оқим – бу логистика тизимлари ичida, улар ўртасида ва ташқи мухитда ҳаракатланувчи ҳамда моддий оқимларнинг самарали ҳаракатини таъминловчи молиявий маблағларнинг мақсадли ҳаракатидир.

Логистикада молиявий оқимларнинг ўзига хослиги мавжуд товар-моддий ва товар-номоддий бойликлар оқимининг вақт ва маконда ҳаракатланиш жараёнидаги хизматлар эҳтиёжларидан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришда моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш логистик тизимнинг «ўрама» модели ёрдамида амалга оширилиши мумкин. «Ўрама» - логистик занжирнинг алоҳида бўғинларида моддий оқимлар ҳаракати жараёнининг соддалаштирилган таснифи учун хизмат қилади. Моделнинг ҳақиқий обьекти сифатида қўйидагилар олиниши мумкин: цех, участка, иш жойлари, омборлар ёки транспорт тизими.

Моддий оқимларнинг ўрамадан ўтишнинг принципиал схемаси 2-чизмада кўрсатилган.

Ўрамага келиб тушаётган буюртмалар чизмада ҳар хил катталиқдаги шарлар кўринишида тасвиrlenган. Шар ҳажми буюртманинг меҳнат сифимиға тўғри келади. Тизим максимал ўтказиш имкониятига (куватига) моддий оқимларни оқилона режаллаштириш (буюртмаларни режали давр бўйича тақсимлаш ва ишларнинг бажарилиш кетма-кетлигини таъминлаш) шарти бажарилганда эришади. Буюртмаларни келиб тушиши ва чиқиб кетиши жараёни «ишга тушириш» ёки «ишлаб чиқаришнинг» синиқ чизиги кўринишида тасвиrlenган.

Буюртма циклининг ўртача давомийлиги тугатилмаган ишлаб чиқариш ҳажмидан ва тизимнинг ҳақиқий ўтказиш имкониятидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади:

Тц қ Zт / Nўрт,

бу ерда Тц - буюртма бажарилиш циклининг ўртача давомийлиги; Zт – тугатилган ишлаб чиқаришнинг ўртача миқдори; Nўрт – бир бирлик вақт ичida бажариладиган буюртманинг ўртача сони.

Буюртма бажарышда биринчилик қоидалари. Логистик занжир бўғинларидан буюртмаларнинг ўтиш кетма-кетлиги ишларнинг тақсимланиш (буюртмаларнинг бажарилиш) қоидалари ёрдамида ўрнатилади, яъни бу қоидалар ишлар бажарилишнинг у ёки бу биринчилигини белгилайди. Моддий оқимларни бошқариш амалиётида қўйидаги биринчилик қоидалари қўлланилади: FIFO: «биринчи келди, биринчи кетди», яъни тизимга биринчи бўлиб тушган буюртмага энг катта эътибор қаратилади. LIFO: «охирги келди – биринчи кетди», яъни энг катта эътибор охирги келиб тушган буюртмага қаратилади. Бу қоида омборлаштириш тизимида тез-тез қўлланилади, чунки омборда материаллар шундай тахланган бўлиши мумкинки, уларни фақат юқоридан олиш имкони мавжуд бўлади. SPT: «энг қисқа жараён қоидаси» берилган бўғинда энг қисқа давомийлигига эга бўлган буюртма биринчи бўлиб бажарилади.

Кўрсатилган қоидалар кутиш вақтини ва буюртма бажарилиш циклининг ўртача давомийлигини қисқартириш имконини беради.

Моддий оқимларни бошқаришнинг мақсади етказиб беришнинг ўрнатилган муддатларини таъминлаш зарур бўлган ҳолларда, буюртмалар бажарилиш вақти ҳақидаги маълумотларни хисобга оладиган бошқарув қоидалари қўлланилади: MST:

«минимал вақт захираси», энг кам вақт захирасига эга бўлган буюртмага энг катта эътибор қаратилади. Вақт захираси – буюртманинг бажарилиш муддатлари билан жараёнлар орасидаги тўхташлар мавжуд бўлмаган ҳолатда, буюртма бажарилиши мумкин бўлган муддатлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади. EDD: «бажарилишнинг энг қисқа муддати», яъни энг қисқа бажарилиш муддатига эга бўлган буюртма биринчи бўлиб бажарилади.

Бошқаришнинг туртиловчи ва тортиловчи тизимлари. Ички ишлаб чиқарувчи логистик тизимлар доирасида моддий оқимларни бошқариш икки принципиал усул ёрдамида амалга оширилиши мумкин: буюртмани «туртиш» ёки «тортиб чиқариш» йўллари билан.

Моддий оқимларни бошқаришнинг туртиловчи тизими логистик занжирнинг ҳар бир бўғини учун зарур хом ашё, материаллар ва деталлар захираси миқдорини башорат қилишга асосланади. Бу башоратдан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқаришнинг бутун кўп босқичли жараёнини бошқариш амалга оширилади, бу қайта ишлашнинг ҳар бир босқичида моддий захираларнинг асосланган ҳажмини таъминлашдан иборат. Моддий оқимларни бошқаришнинг бу тизимида меҳнат предметлари бир участкадан иккинчисига (технологик жараён бўйича кейинги) уни қайта ишлашга тайёрлигидан ва бу деталларга бўлган эҳтиёждан қатъий назар, яъни маҳсус буюртмасиз кўчирилади. Моддий оқим, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг марказий тизимидан келадиган буйруқ бўйича қабул қилувчига «итариб чиқарилгандай» бўлади.

Моддий оқимларни бошқаришнинг бу усули мураккаб ишлаб чиқариш механизмини бир бутун тизимга бирлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришда ишчиларни ва ускуналарни максимал имкониятларида қўллаш имконини беради. Лекин талаб кескин ўзгариб кетган ҳолда «туртиловчи» тизимни қўллаш ошиқча захирани ҳосил қилинишига ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини қайта режалаштириш имконияти мавжуд бўлмагани учун товарларнинг тахлаб ташланишига олиб келади.

Тортиновчи тизим ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида захираларнинг минимал даражасини сақлашни ва буюртмани кейинги участкадан олдингига қаратилган ҳаракатини назарда тутади. Кейинги участка меъёрга ва маҳсулотларни истеъмол қилиниш вақтига мос равишда материалларга буюртма беради. Ишнинг режа графиги фақат истеъмолчи-цех учун ўрнатилади. Ишлаб чиқарувчи-цех аниқ график ва режага эга эмас ҳамда тушган буюртма бўйича ишлайди. Шундай қилиш деталлар фақат ҳақиқатан зарур бўлганда ва фақат зарурият туғилганда ишлаб чиқарилади.

Моддий оқимларни бошқаришнинг тортиловчи тизимининг ишлаш механизмини кўриб чиқамиш.

Мисол. Корхона 10 дона маҳсулот ишлаб чиқаришга буюртма олди деб фараз қиласлик. Бу буюртмани бошқарув тизими йигиши цехига жўнатди. Йигиши цехи буюртмани бажариш учун 1-цехдан 10 та деталь сўрайди. Ўзининг захирасидан 10 та деталь бериб, 1-цех захирани тўлдириш мақсадида 2-цехдан 10 та ярим тайёр маҳсулотга буюртма беради. 2-цех эса 10 та ярим тайёр маҳсулотларни жўнатиб, худди шу миқдордаги ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хом ашё омборидан материалларга буюртма беради, бу ҳам захирани тўлдириш мақсадида амалга оширилади. Шундай қилиб, моддий оқим ҳар бир кейинги цех томонидан «тортиб олинади».

Корхонада моддий оқимларни ташкил этиш ва уларни бошқариш бир - бири билан узлуксиз боғланган тизимни ҳосил қиласли. Шундай қилиб олинган

буортмаларни бажариш жараёнида материаллар ҳаракати бошқарувсиз амалга ошмайды, бу бошқарув моддий ресурсларни тақсимлаш, хўжалик алоқаларини режалаштириш ва ҳоказо йўллар билан амалга оширилади, лекин шу билан бирга ташкиллаштиришни талаб қиласди: келиб тушишларни ритмик бажарилишини таъминлаш; материаллар ташишнинг оптимал тизимини танлаш ва бошқалар. Ташкиллаштириш жараёнида элементар оқимларни бирлаштиришга эришилади ва ишлаб чиқарувчи логистик тизим самарали ишлаши учун шароитлар яратилади. Моддий оқимларни бошқариш ишлаб чиқариш буортмаларининг бажарилишиустидан доимий назоратни таъминлайди ва корхона олдига қўйилган мақсадга эришиш учун логистик тизим параметрларини берилган чегараларда ушлаб турувчи таъсир ўтказади.

Ташкил этиш жараёнида жой ва вақт алоқалари. Моддий оқимларни қайта ишлаш жараёнининг алоҳида босқичлари (сақлаш, қайта ишлаш, ташиш), корхонада, алоҳидалашган бўлинмалар орқали амалга оширилади, уларнинг ҳар бири маълум функцияларни бажаради.

Моддий оқимларнинг шаклланишида ва қайта ишланишида катнашувчи корхонанинг функционал бўлинмаларининг таркиби, уларнинг ўзаро жойлашуви ва ишлаб чиқариш буортмаларини бажаришда ўзаро алоқаларининг шакллари логистик тизимнинг жойлашув тузилмаси деб аталади.

Ички ишлаб чиқарувчи логистик тизимнинг тузилмаси бир қатор омиллар орқали аниқланади, улар орасида куйидагиларни ажратиш мумкин:

- ишлаб чиқариш диверсификацияси;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- юкларни ташишни ташкил этиш услуби;
- заҳираларни бошқариш тизимининг тури.

Диверсификация, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг таркибига ва маҳсус ўйналтирилганлигига, омборларнинг сонига, заҳираларнинг ассортиментига, етказиб берувчилар билан алоқаларнинг хилма – хиллик даражасига ва уларнинг сонига таъсир ўтказади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми заҳираларнинг ва алоҳида ишлаб чиқаришнинг ҳажмини, уларнинг миқдорини ҳамда юқ оқимларининг қувватини аниқлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми қанча катта бўлса, шунча ишлаб чиқариш бўлинмалари йирикроқ, уларнинг маҳсус ўйналтирилганлиги аникроқ, корхонага келиб тушаётган ва ундан чиқиб кетаётган юкларнинг ҳажми катта бўлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўртacha бир кунлик материаллар харажатининг ўсишига олиб келади ва каттароқ заҳираларни ташкил этишини асослайди.

Юкларни ташишни ташкил этиш услуби, транспорт бўлинмаларининг сонига, ишлар бажарилиш қатнашчиларининг таркибига, маҳсулот ҳаракатида бўғинларнинг сонига ва оралиқ омборларнинг миқдорига таъсир қиласди. Масалан, юқ оқимларини ташкил этишнинг транзит схемасига ўтиш, маҳсулот ҳаракатида бўғинлар сонининг камайишига ва юкларни қайта ишлаш бўйича ишлар ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ички ташиш ишларининг ҳажми ва миқдорига ҳамда тутатилмаган ишлаб чиқариш миқдорига таъсир кўрсатади.

Заҳираларни бошқариш тизимининг тури ишлаб чиқаришда уларнинг катталигига таъсир ўтказади: келиб тушишлар орасидаги вақт интервали ва буортма

ҳажми қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш заҳираларининг даражаси шунча катта бўлади.

Логистик тизимнинг оралиқ тузилмаси моддий оқимларни вақт бўйлаб қайта ишлаш амалларини бажарилиш кетма - кетлигини олдиндан аниқлаб беради. Бунда юзага келадиган вақт алоқалари буюртма бажарилиш жараёнида алоҳида босқичлар оқиб ўтадиган ёки оралиқ натижалари – воқеалари белгилаб олинадиган вақт кесмалари билан характерланади.

Моддий оқимларни ташкил этишнинг вақт аспектини таснифлашда қўйидаги тушунчалар қўлланилади: буюртманинг бажарилиш цикли, буюртма бажарилиш циклининг тузилмаси (тузилма), буюртма циклининг давомийлиги.

Буюртма бажарилиш цикли – бу вақт бўйлаб маълум тарзда ташкил этилган элементар оқимларнинг комплекси, бу оқимлар буюртманинг қабул қилинишидан то бажарилишигача бўладиган ҳаракати жараёнида логистик амаллар бажарилиши натижасида юзага келади.

Буюртманинг қабул қилиниш вақти маълум турдаги ва йўналишдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга талабни келиб тушишининг вақт нуқтасини характерлайди.

Буюртма бажарилиш вақти маҳсулотни савдо сотик тизимига (шахсий истеъмол маҳсулотлари) ёки буюртмачи корхонанинг омборига (ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар) келиб тушишлигини билдиради.

Буюртма бажарилиш циклининг тузилмаси 6 та босқични ўз ичига олади: буюртманинг қабул қилиниши; техник тайёргарлик (янги буюртма олинганида фақат бир марта режлаштирилади), материалларни етказиб бериш, ишлаб чиқаришга тайёргарлик, ишлаб чиқаришнинг ўзи (йифувчи қисмлар билан таъминланган буюртманинг ишлаб чиқаришга берилишидан, ишлаб чиқаришдаги ҳамма ишларнинг тутатилишигача), буюртмани етказиб бериш.

Моддий оқимларни бошқариш тизими деб ички логистик тизим доирасида моддий оқимларни назорат қилиш ва режалаштиришни шакллантиришнинг ташкилий механизми тушунилади.

Моддий оқимларни бошқаришнинг бир қанча тизимлари мавжуд:

MRP – материалларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш;

DRP – ресурслар тақсимланишини режалаштириш;

JIT – моддий ва ахборот оқимларини «аниқ вақтида» тамоили бўйича бошқариш;

KANBAN – «аниқ вақтида» тамоили бўйича моддий оқимларни тезкор бошқаришнинг ахборот таъминоти;

OPT – ишлаб чиқаришни оптималлаштириш технологияси.

Материалларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш (MRP) – бу ишлаб чиқаришни зарур моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжини режалаштиришнинг автоматлаштирилган тизимиdir.

MRP режадаги масалалардан четлашишларни ҳисобга олган ҳолда аниқ вақт масштабида буюртмалар бажарилишини режалаштиришни, ҳамда ишлаб чиқариш заҳиралари назоратини амалга ошириб, унинг асосий мақсадлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг кафолатли қондирилиши; заҳираларни минимал даражада ушлаб туриш; ишлаб чиқаришни, материалларни харид қилиш ва етказиб беришни режалаштиришнинг аниқлигини ошириш.

Ресурслар тақсимланишини режалаштириш (DRP) чиқиб кетаётган товарларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими сифатида таснифланиши мумкин. У MRP нинг ойна акси бўлиб, худди шундай логика, воситалар ва усувлардан

фойдаланади. Тизимнинг асосий функциялари қаторига қуйидагилар тегишли: тақсимот занжирининг ҳар хил даражаларида (марказий–переферик омборлар орқали) захиралар ва келиб тушишларни режалаштириш; маҳсулот тақсимотининг ахборот таъминоти; юк ташишни режалаштириш.

Ишлаб чиқаришнинг асосий графиги талабни башоратлаш асосида шакллантирилади. Шундай қилиш DRP маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш функцияларини бирлаштириш имконини беради, ҳамда логистик харажатларни транспорт ва товар харакатига кетадиган харажатларни қисқартириш ҳисобига оптималлаштиради.

MRP ва DRP туртиувчи тизимлар турига киради. Моддий ва ахборот оқимларини бошқаришнинг интеграллашган тизими ишлаб чиқариш жараёни, ҳамда у билан боғлиқ бўлган таъминот ва сотув тизимлари битта узлуксиз оқим сифатида намоён бўлади. Моддий оқимларни умумий тизимида бошқариш, муддатларни тескари режалаштириш асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчи ишнинг тутатилган режасига ва графигига эга эмас, у умуман буюртмалар билан эмас, балки шу маҳсулот истеъмолчисининг аниқ буюртмаси билан боғланган ва ўзининг ишини шу буюртма чегарасида оптималлаштиради. Ҳамма бўлинмалар учун фақат ўрталаштирилган (1 ойга) режалар тузилади, уларни декадалар (кун, соат) бўйича режалаштиришни эса, деталларни топшириш муддатларини ва олинган буюртма ҳажмини ҳисобга олган ҳолда иш бажарувчилар амалга оширади.

«Аниқ вақтида» тамойили бўйича моддий оқимларни оператив бошқаришнинг ахборот таъминоти тизими бўйича буюртма харитаси «KANBAN» истеъмолчи хақида тўлиқ ахборотни ўз ичига қамраб олади. Асосан бу ахборот қуйидагилардан иборат бўлади: деталнинг номланиши ва шифри; қадоқ идишларнинг спецификацияси (хусусияти), уларнинг тури ва уларга солинадиган деталларнинг сони; маҳсулотни ишлаб чиқарувчи–участка ва истеъмолчи–участкаларнинг номланиши; маҳсулотни ишлаб чиқариш давомийлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган етказиб бериш вақти. Технологик занжир бўйича ҳар бир участка «KANBAN» харитасида кўрсатилган буюртма бўйича ишлайди. Ишлаб чиқариш устидан назорат муомилада бўлган хариталарни рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни оптималлаштирилган технология тизими (OPT) таъминот ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган «тортиувчи» микрологистик тизимлар синфига киради. Бу тизимнинг асосий тамойили бўлиб ишлаб чиқариш жараёнида тор жойларни ва критик ресурсларни аниқлаш ҳисобланади. Ҳисобда OPT KANBANнинг компьютерлаштирилган тури ҳисобланади, улар орасида факатгина битта фарқ мавжуд. OPT «таъминот – ишлаб чиқариш» логистика тармоғида тор жойларни пайдо бўлишининг олдини олса, KANBAN пайдо бўлиб улгўрган тор жойларнинг самарали йўқотилиш имконини беради.

Логистик тизимнинг самарали ишлашига таъсир кўрсатувчи критик ресурслар сифатида қуйидагилар олиниши мумкин: хом ашё ва материаллар захираси, тутатилмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш технологияси, персонал ва бошқалар. OPT тизимидан фойдаланиладиган корхоналар нокритик операцияларни бажарадиган персонални максимал тарзда иш билан таъминлашга интилади, чунки бу тутатилмаган ишлаб чиқариш захираларини ўсишини келтириб чиқаради. Логистика нуқтаи назаридан OPT тизимининг самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқарилишини ошириш, ишлаб чиқариш ва транспорт харажатларини камайтиришдан иборат.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. *Логистик концепцияларнинг пайдо бўлиши.*
2. *Тежамкор ишилаб чиқариши концепцияси моҳияти*
3. *Йўқотиш турлари*
4. *Олти сигма концепциясининг мазмуни ва тамойиллари;*
5. *Моддий оқимларни бошқарши тизмилари;*
6. *Тақсимотни ташкил этиши усуслари.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гайдаенко А.А., Гайдаенко О.В. Логистика. Учебник. 2-е изд. – М.: КНОРУС, 2009. – 277с.
2. Гаджинский А.М. Логистика. Учебник. 13-е изд. – М.: «Дашков и Ко», 2006. – 432с.
3. Канке А.А., Кашевая И.П. Логистика. Учебник. – М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2005. – 350с.
4. Неруш Ю.М. Логистика. Учебник. 4-е изд. – М.: ООО «Изд. Проспект», 2006. – 520с.

2-мавзу. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.

Режа

- 1. Транспорт логистикаси.**
- 2. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.**
- 3. Ишлаб чиқариш логистикаси ва тизимлари: АҚШ, Европа ва Япония тизимлари.**
- 4. Тижорат ва сервис логистикаси.**

***Калим сўзлар:** транспорт, транспорт логистикаси, халқаро коридорлар, ишилаб чиқариш тизими, ишилаб чиқариш логистикаси, АҚШ, Европа ва Япония тизимлари, тижорат логистикаси, сервис логистикаси.*

1. Транспорт логистикаси.

Транспорт моддий ишлаб чиқариш соҳаси бўлиб, юк ва одамларни ташишни амалга оширади.

Вазифаси бўйича транспортни икки турга ажратилади:

Умумий фойдаланиш транспорти – юк ва йўловчиларни ташиб, барча халқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатади. Умумий фойдаланиш транспорти аҳолига ва хизмат кўрсатиш соҳасига хизмат кўрсатади. Умумий фойдаланиш транспорти ўз ичига темир йўл, сув транспорти (дарё ва денгиз) ни, автомобил, ҳаво транспорти ва трубопровод транспортини олади.

Умумий фойдаланишга мўлжалланмаган транспорт – ишлаб чиқариш ичидағи транспорт ҳамда нотранспорт ташкилотларига тегишли бўлган барча транспорт турлари.

Аниқ юк ташиш жараёнини узвий боғланган босқич ва операцияларга бўлинган тизим орқали амалга ошириб, натижада юк ташишда юқори самарага эришишга юк ташиш жараёни технологияси дейилади.

Транспорт логистикаси – транспорт тизимларини оптималлаштириш, транспорт воситасининг тури ва типини танлаш; турли каналли йўналишдаги мол етказиб беришларни аниқлаш; транспорт-омбор жараёни технологик бирлигини таъминлаш.

Транспорт орқали юк ташишни ташкил этиш билан боғлиқ комплекс масалалар транспорт логистикасининг предметидир.

Транспорт логистикасининг асосий принципи ҳаражатларни оптималлаштиришдир.

Транспорт логистикасининг асосий вазифалари:

- транспорт воситалари турини танлаш;
- транспорт воситалари типини танлаш;
- транспорт жараёнини омбор ва ишлаб чиқариш жараёни билан биргаликда режалаштириш;
- ҳар хил турдаги транспортда транспорт жараёнини биргаликда режалаштириш(аралаш юк ташиш ҳолатида);
- транспорт-омбор жараёнининг бирлигини таъминлаш;
- етказиб беришнинг рационал йўналишларини танлаш.

Транспорт воситасини танлашда қуидаги тамойилларга асосланилади:

- юкларни йўқолмаслиги;
- уларнинг жойлашуви ва юк кўтариш даражасидан самарали фойдаланиш;
- юк ташиш ҳаражатларини камайтириш.

Аралаш юк ташиш алоқоси тизимиға қуидагилар киради:

- Автотранспорт корхоналари;
- Юк ташиш операцияларига очик бўлган барча темир йўл станциялари;
- Денгиз портлари;
- Дарё портлари;
- Фуқаролик ҳаво порти аэропортлари.

Аралаш юк ташишлар турли хил транспорт турлари эгалари фаолиятининг юқори даражада бўлган ўзаро мувофиқлигини талаб этади.

Барча юк ташишларни бутун йўл йўналиши давомида бир транспорт ҳужжати билан расмийлаштирилиши аралаш юк ташишларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Қуидагилар аралаш юк ташишлар таркибиға киритилмайди:

- Қуйиладиган юклар;
- Сув орқали ташиладиган ёғочлар;
- Портловчи, қаттиқ таъсир қилувчи заҳарли моддалар.

Транспорт логистикасининг вазифаларига қуидагилар киради:

Транспорт тизимларини барпо этиш, шу жумладан транспорт йўлакларини ва транспорт занжирини ташкил қилиш;

- транспорт-омбор жараёнларининг ягона технологик бирлигини таоминлаш;
- транспорт жараёнларини омбор ва ишлаб чиқариш билан биргаликда режалаштириш;
- транспорт воситаларининг турларини танлаш;
- транспорт воситаларининг русумларнни танлаш;
- юк ташишнинг қулай йўналишларини аниқлаш ва х.к.

Транспорт турларини танлаш логистиканинг бошқа вазифалари билан биргаликда ҳал етилади, шулардан захираларнинг қулай даражасини барпо қилиш ва сақлаб туриш ўраш-боғлашнинг турларини танлаш ва. х.к. Транспорт турларини танлашда, яъни аниқ юкни таишш учун қулай бўлган турлича транспорт турларининг хусусиятлари ҳақидаги ахборотлар асос бўлади. Логистика нуқтаи назаридан автомобил, темир йўл, сув ва ҳаво транспортининг асосий афзалликлари ва камчиликларини кўриб чиқайлик. Автомобил транспорти. Анъанавий равишда юкларнн кичик масофаларга ташиш учун фойдаланилади. Уларнинг асосий афзалликларидан бири юқори даражадаги тезлиги ва мослашувидир. Автомобил транспорти ёрдамида юклар ешикларни тагигача зарур муддатларда етказишб берилади. Транспортларнинг бу турларни юкни етказишни узлуксиз амалга ошириб, шунингдек кичик тўпламларда жўнатиш имкониятларини яратади. Бу ерда бошқа транспорт турларига қараганда, товарлари ўраш ва боғлашга нисбатан қатъий талаблар камроқ қўйилади. Автомобил транспортининг асосий камчиликларила нисбатан юк ташиш таннархининг юқори бўлшшги бўлиб, улар учун ҳақ тўлаш автомобилнинг енг юқори юк кўтариш қобилияти бўйича олинади. Бу транспорт турининг бошқа камчиликларига, шунингдек юк тупшришнинг муддатлилиги, юкларнинг ўғирланиш хавфи ва автомобилларни олиб қочиб кетишилик, юк юклаш имкониятларининг озлигини кўрсатиш мумкин. Автомобил транспорти экологик жиҳатдан ноқулай бўлиб, уни кенг равишда қўлланниши чеклангандир. Темир йўл

транспорти. Транспортнинг бу тури турли тўпламлардаги юкларни ҳар қандай обҳаво шароитларида ташишга мўлжалланган. Темир йўл транспорти узоқ масофаларга юкларни тезлик билан етказиб бериш имкониятларига эгадир. Юк ташиш узлуксиз давом етади. Бу ерда самарали равишда юклаш тушириш ишларини ташкил этиш мумкин. Темир йўл транспортининг муҳим афзалликларидан бўлиб, унинг таннархнинг кам бўлгани шунингдек чегирмаларнинг мавжудлигиdir. Темир йўл транспортининг камчиликларига юк ташувчилар сонининг чекланганлиги, шунингдек истеъмолчиларга юкларни етказиб бериш имкониятларининг пастлиги яъни яқин йўлларнинг бўлмаслиги темир йўл транспортини автомобил транспорти билан тўлдиришга мажбур етади.

Транспорт ишида синхронликка эришиш учун “КАНБАН” ва “Аниқ ўз вақтида” тизимлари қўлланилади. Қайд этилганларнинг қўлланилиши қўйидагидан иборат: агар асосий ишлаб чиқаришда сезиларли ҳажмдаги зарурий материаллар, хомашё, яrim –тайёр маҳсулотлар ҳамда бутловчи маҳсулотлар заҳираси тўғрисидаги ахборотга эга бўлмаган ҳолда “графикка қатъий риоя этган ҳолда” технологияси қўлланилган бир ҳолатда сотиш ва ҳарид қилиш логистикасида юк ташиш вазифалари қисқа оралиқ вақтлар мобайнида (“КАНБАН” тизими) ҳамда қатъий белгиланган вақтда (“Аниқ ўз ватида” тизими) амалга оширилади. Турли хилдаги омилларнинг аҳамиятларини баҳолашнинг экспер特 фарқлари шуни кўрсатадики, транспорт турларини танлашда биринчи навбатда қўйидагиларни эътиборга олинади: -юкларни етказишнинг жадвалига амал қилиш; -юкни етказиш вақти; -юкни ташишинг қиймати; Транспорт турини тўғри аниқланиши техник иқтисодий хисоб-китоблар билан тасдиқланган бўлиши, турли хил транспорт барча харажатларга асосланган бўлиши керак. Масалан, 5 тонна қиммат баҳодаги юкни (қиммати-50000 доллар) автомобилда ташиш 1000 доллар, самолётда esa 3000 доллар. Танлов автомобилда тўхтади. Бироқ кейинчалик ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, бунда юк ташилганда тарифга қўшимча равишда қўйидагилар тўланди: – юкни кузатиб борувчига: 5% юкнинг қиймати ва қўриқлаш учун, яъни 2000 доллар (самолёт билан ташишда бу харажатлар олинмайди); -банкир учун: 1,5% юкнинг қиймати кредит фоизи сифатида чунки юк 15 кун давомида ташилган ва бу давр ичida. 50000 доллар захирага ўтказилган бўлиб, 750 долларни ташкил етди.

2. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.

Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни гапирганда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва эришилган натижаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши кўп жиҳатдан ташқи савдодаги юк ташуви муаммоларининг ҳал этилишига боғлиқ эди. Шу боисдан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу масалага катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мустақилликка эришгунгача Ўзбекистон ўзининг ташқи иқтисодий алоқаларини учта дengиз портлари орқали амалга ошириш имкониятига эга эди (Ильичевск, Санкт-Петербург, Владивосток). Республикадан уларгача бўлган масофа 3000, 4300 ва 8000 км ташкил этиб бу ташилаётган юкнинг қиймати ошиб кетишига олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси хукуматининг фаол чора-тадбирлари, дахлдор бўлган вазирлик ва муассасаларнинг муқобил транспорт коридорларидан самарали

фойдаланиш имкониятларини қидиришга қаратилган фаолиятлари натижасида ривожланган халқаро транспорт коридорлари яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонинг ташқи савдо юк ташувлари қуйидаги асосий коридорлар орқали амалга оширилади:

- Болтиқбўйи давлатларининг Клайпеда (Литва), Рига, Лиепая, Вентспилс (Латвия), Таллин (Эстония) портлари;
- Белорусь ва Украина (Чоп ва Брест чегара постлари) орқали Европа мамлакатларига;
- Украинанинг Ильичевск порти орқали Қора дengизга;
- Шарқий йўналишда Хитой орқали Сариқ дengизга, шунингдек, Находка ва Владивосток портларидан фойдаланилмоқда.

Юқорида қайд этилган барча портларга Россия ва Қозоғистон орқали чиқилади.

- Грузиянинг Поти ва Батуми портлари орқали Қора дengизга (Туркманистон ва Озарбойжон орқали транзит). ТРАСЕКА
- Эроннинг Бандар-Аббос порти орқали Форс кўрфазига (Туркманистон ва Қозоғистон орқали).

Ўзбекистон ҳозирги кунда «Трансаффон» коридори хусусида бош қотирмоқда.

Агар ушбу лойиҳа амалга ошириладиган бўлса, Эроннинг Бандар-Аббос, Чахбехар, шунингдек, Покистоннинг Гвадар портларига чиқиш имконияти кенгаяди. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўл участкасида темир йўл қуриш лойиҳасини амалга ошириди. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу йўлнинг юк ташиш ҳажми йилига 7 миллион тоннани ташкил қиласи, истиқболда уни 20 миллион тоннага етказиш мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, истиқболда умумий узунлиги 2 минг километр бўлган «Мазори Шариф — Ҳирот» йўналишида ва ундан сўнг Эрон орқали темир йўлни барпо этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон учун Афғонистон орқали Эрон ва Покистон дengиз портларига чиқиш амалдаги Қора дengиз ва Болтиқ дengизи портларидан кўра 2-3, Тинч океанидаги портлардан эса қарийб 5 баравар қисқаради. «Трансаффон» лойиҳасининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг минтақадаги муҳим логистика маркази сифатида мавқени мустаҳкамлайди.

Яна бир муҳим йўналиш — Хитойнинг Шинъжон уйғур автоном туманига ва ундан сўнг унинг дengизбўйи шаҳарларига олиб борадиган транспорт йўлагидир. 90-йилларнинг охиридан Ўзбекистон «Хитой — Қирғизистон — Туркманистон» темир йўл лойиҳасига катта қизиқиш билдириб келади. Ўзбекистонлик экспертга кўра, гарчи ушбу лойиҳага катта қизиқиш билдирилаётган бўлса-да, унинг истиқболи ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда ушбу йўналишда газ қувурлари қурилиб, Хитойга газ экспорт қилиш фаол амалга оширилмоқда. Дейлик, шу пайтга қадар «Туркманистон — Ўзбекистон—Қозоғистон — Хитой» газ қувурининг иккита тармоғи фаолиятига йўлга қўйилган бўлса, учинчиси қуриш босқичида турибди. Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида йилига 30 миллиард метр куб газ ўтказиш қувватига эга бўлган қувурнинг тўртинчи тармоғини қуришга оид битим имзоланган.

3. Ишлаб чиқариш логистикаси ва тизимлари: АҚШ, Европа ва Япония тизимлари.

Жаҳонда логистика марказлари интермодал равишида XX аср 80-90- йилларида Европанинг энг йирик портлари Антверпен вя Роттердам (Голляндия), Гамбург (Германия), Лондон, Манчестер (Буюк Британия), Лиссабон (Португадия), Вэленсия (Испания), Рим (Италия), Нант (Франсия) каяби йирик порт шаҳарларда ташкил қилинган. 15-20 йил вақт ўтиб, мультимодал логистика марказлари бутун дунё бўйлаб ривожланди ва қамрови ошди. Ҳозирда 4 500 га яқин логистика марказлари бўлиб, унда жаҳон ялпи маҳсулотининг 15 фоизини (6,5 трлн. \$) ташкил қилувчи қиймат яратилади. Логистика марказларининг асосини ташкил қилувчи хусусий логистика компаниялари сони 3 000 дан ортиқ бўлиб, уларнинг йиллик даромади 2008 йилда 3,6 трлн. долларни ташкил қилган . Ҳисоб-китобларга кўра ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб, 3,9 трлн. долларга етади[38]. Бундан куриниб турибдики, логистика соҳаси инқироздан кейин муҳим ривожланиш воситаси бўлиб қолади.

Европада логистика тизимиning ядросини Буюк Британия, Франция, Италия, Германия ва Испания бешбурчагида жойлашган портлар ташкил қиласди. Европада логистика марказлари ташкил қилиш тажрибаси хусусий логистика фирмалари асосида ташкил қилинган. Факат Италия ва Испанияда логистика соҳаси давлат корхоналари томонидан бошқарилади. Умуман олганда, Европадаги йиллик логистика хизматлари 800 млрд. еврони ташкил қиласди ва йилига 4-8 % ўсиш билан мамлакат ялпи ички маҳсулотидан юқори ўсишни кўрсатмоқда.

АҚШда логистика марказлари асосини 2000 дан ортиқ хусусий компаниялар ташкил қиласди. Дунёда энг кўп хусусий логистика компаниялар жойлашиши билан бирга логистика соҳаси бошқа соҳалар билан узвий боғланган ва хусусий бизнесни ривожлантиришнинг асосий озукаси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш секторининг ҳар бир бўғини логистика билан узвий боғланган. Мультимодал логистика марказларида товар ва хомашё элтиб бериш, юклаш, қадоқлаш, қайта ишлаш, сақлаш, бозорлаштириш ишларидан то уларни божхонадан ўтказиш, сотиш ва реклама қилишгача логистика марказлари хизматига киради.

Халқаро мультимодал логистика марказлари ташкил қилиш борасида Осиё ўзига хос йўналишга эга. Осиё логистика тизимини ишлаб чиқариш ва транспортни ўз ичига олган Япония (Токио), Хитой (Гуанжоу, Шанхай, Гонг-Конг, Пянжин), Ҳиндистон (Бангальор, Дехли), БАА (Дубай), Сингапур (Сингапур), Малайзия (Куала-Лумпур) каби йирик логистика марказлари ядроси жойлашган давлатлар ташкил қиласди. Ҳозирда энг йирик логистика марказлари жойлашган халқаро портлар транспорт логистикаси асосида янгича ихтисослашган ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Бу эса логистика марказлари жойлашган йирик портлар атрофида, қўшимча қийматга эга бўлган янги товар ва хизматлар ташкил қилиш имконини бермоқда. Бунинг натижасида мультимодал логистика маркази комплекс ҳолга келади ва самарадорлиги янада ортади. Шу сабабли Гонгконг, Хитой ва Сингапурдаги йирик марказлар кўплаб халқаро корпорациялар ва инвесторларнинг эътиборини тортмоқда. қуйидаги рақамлар ва фактлар бунинг исботи бўла олади. Ҳусусан, Сингапурда логистика соҳасида ахолининг 6 фоизи хизмат қиласди ва ЯИМнинг 10 фоиздан ортиқ қисми шу соҳага тўғри келади. Бундан ташқари, Ҳиндистон логистика салоҳияти жуда юқори бўлган давлат ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ҳиндистон логистика бозори қиймати 14 млрд. доллардан 82,1 млрд. долларгача кўпайди ва йилига 7-8% ўсишни кўрсатмоқда. Логистика сектори ЯИМнинг 6,2 фоизини ташкил қиласди. Ушбу кўрсаткич 2010 йилга келиб, 190-200 млрд. долларни ташкил қилди. Логистика соҳаси энг юқори даражада ривожланган Сингапурда 2009- йилда ушбу соҳага 346,8 млн. доллар инвестиция киритилган бўлиб, шундан 149,2 млн. доллари факат

қўшимча. қиймат ҳосил қилувчи товар ва хизматларга ажратилган. Логистика соҳасида рақобатни ривожлантириш мақсадида ҳар йили “Фрост энд Салливан” компанияси томонидан Осиё логистика компаниялари учун турли йўналишлар бўйича мукофотлар эълон қилинади. Логистика соҳасида янгича йўналишга асос солган, Хитой, бу борада кўплаб ижобий натижаларга эришган. Мультимодал логистика марказлари атрофида ва ички туманларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш транспорт логистикасини комплекслашишига олиб келди. Хусусан, Гонгконг, Тянжин ва Шанхай портлари бунга мисол бўла олади. Хитойда ЗПЛ логистикаси, таклиф занжири бошқаруви, божхона бошқаруви, ташқи ҳамкорлик, технологияли логистика, ўқув ва қайта тайёрлаш каби логистиканинг муҳим йўналишлари шаклланган. Осиё логистика саноати ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштириши ва тез ўсиши билан Европа тизимидан тубдан фарқ қиласди. Давлат ва бошқарув органлари ушбу соҳани доимий қўллаб-қувватлайди. Сингапур, Корея ва Хитойда логистика тадқиқот институтлари ташкил қилинган бўлиб, бу доимий инновацион ривожланиш масалаларини ҳал қилишда кўмак беради.

4. Тижорат ва сервис логистикаси.

Ҳаридор бозори хисобланган маданийлашган замонавий бозор шароитида, товар моддий таркибий қисм тарзида ифодаланиш билан бир қаторда, маҳсулотнинг ўрами, ранги, габаритлари, дизайнни, нархи сингари омиллардан ҳамда ишлаб чиқарувчи ва савдо воситачиси нуфузини ўзида акс эттирадиган маълум бир харакатлар йигиндиси тарзидаги хизматлардан иборат бўлган яққол кўзга ташланадиган ҳамда кўзга ташланмайдиган омиллар мажмууни ўзида ифодалайди. Ҳаридор қайд этилганларнинг баърини маълум бир маънода ўзининг мавжуд эҳтиёжлари ҳамда кутишларини қаноатлантирилишини таъминлайдиган моддийлик ҳамда мавхумлик мажмуи тарзида қабул қиласди.

Товарга бўлган замонавий шаклдаги муносабат кенг миқёсда кўриб чиқиладиган бўлса, ушбу муносабатни яққол кўзга ташланадиган ҳамда кўзга ташланмайдиган хусусиятлар мажмуи тарзида қабул қилинишини эътироф этиш мумкин.

Хизмат умумлашган тушунча сифатида ўзида истеъмолчига фойда келтирувчи маълум бир харакатни акс эттиради.

Логистика маркетинг атамалари ибораси билан ифодаланадиган бўлса, ҳаридорларга “амалий ижродаги” товар билан боғлиқ бўлган ҳолда, “мадад билан қувватланган товар”га эга бўлган ҳамда маълум бир товар (материал) оқимини ҳосил қиласдиган моддий шаклдаги маҳсулотларга эга бўлиш имкониятини берадиган истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш тармоқларининг катта қисмини қамраб олади.

Умумий таклифнинг (“товар-хизмат”) моддий қисми нисбий аҳамиятининг доимий тарзда қисқариб бориши мазкур таклифнинг саноатда (асосий ишлаб чиқаришда) ишлаб чиқарилган қўшилган қиймат қисмининг қисқариб бориши билан бир вақтда (параллел равишда)юз беради.

Демак, тегишли хизматларнинг белгиланган мажмуи логистик сервис предмети бўлиб ҳисобланади.

Моддий оқимларнинг муайян истеъмолчилари логистик сервиснинг обьекти бўлиб ҳисобланади.

Таркибий қисмлар бўйича логистик сервиснинг умумий схемасини қуидаги тартибда кўриб чиқамиз.



Истеъмолчиларга логистик хизмат кўрсатилиши ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилиши билан бир қаторда савдо-воситачилик тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу турдаги хизматни кўрсатиш ихтисослаштирилган транспорт-экспедицион фирмалар томонидан ҳам амалг оширилиши мумкин. Логистик тизим туридан, истеъмолчилар талаби даражасидан ҳамда мол етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи, савдо-воситачи) стратегиясидан келиб чиқкан ҳолда хизмат кўрсатувчи танланади.

Умумий ҳолатда логистика соҳасидаги барча ишлар ҳамда операцияларни учта асосий тоифага ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Сотиш олдидан кўрсатиладиган тоифадаги хизматлар.

Товар маҳсулотларини етказиб бериш бўйича логистик сервис

Буюртмалар ва истеъмолчилар

Буюртмалар тайёрлик даражаси

Етказиб беришиларнинг ишончлилик даражаси

Сифат кўрсаткичи ва назорат

Етказиб беришилардаги аниқлик

Етказиб беришилардаги қатъийлик

Етказиб беришилардаги муддат

Етказиб беришиларнинг ҳолати

Буюртмага ишлов беришнинг сифат даражаси

Буюртма ижроси бўйича тезкорлик даражаси

Ушбу турдаги ишлар ва операциялар сирасига логистик хизмат кўрсатишга бўлган талабни шакллантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳамда операциялар киради.

2. Товарларни сотиш (реализация қилиш) жараёнида кўрсатиладиган хизматлар.

Мазкур турдаги хизматлар моддий оқимлар харакатининг ҳамда маҳсулотни истеъмолчилар буюртмаларига қатъий риоя этган ҳолда белгиланган манзилга етказиб берилишининг самарадорлигини таъминлайди. Етказиб беришидаги ишончлилик даражасини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда етказиб берилаётган бирликлар партияларини тузиш (комплектлаш) ва саралаш, юқ бирликларини шакллантириш, ўраш, тамға босиш (маркировка) кабиларни қайд этилган хизматлар сирасига киритиш мумкин.

3. Маҳсулот сотилгандан кейин амалга ошириладиган логистик хизматлар.

Кафолат бўйича кўрсатиладиган хизматлар, эҳтиёт қисмлар, ҳаридорлар эътиrozларини кўриб чиқишга оид мажбуриятлар, қайтариладиган оқимларни таъминлаш, маҳсулот алмашинувини амалга ошириш каби бир қатор хизматларни, қайд этилган хизматлар таркибиغا киритиш мумкин.

Самарали тарздаги логистик хизмат кўрсатишни ташкил этиш қўйида келтирилган ҳолатлар билан боғлиқ масалаларни ҳал ҳал этишни ўз вазифалари таркибиغا киритади:

- таркибий хизмат кўрсатиш ҳамда технология билан боғлиқ масалалар;
- хизмат кўрсатишнинг сифат кўрсаткичлари;
- мақсадга мувофиқ хизмат кўрсатиш ҳамда муқобил тармоқни белгилаш.

Мол етказиб берувчини танлашда истеъмолчиларнинг асослари (мотивлари)нинг аҳамияти бўйича фарқланиши:

- 1- етказиб беришнинг ишончлилик даражаси;
- 2- юк ташишларда мавжуд энг кам – минимал даражадаги давомийлик;
- 3- энг кам – минимал даражадаги транспорт ҳаражатлари;
- 4- тизимнинг мослашувчанлиги;
- 5- юкларни бу сақланишини таъминлаш ҳамда юкларни бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик;
- 6- буюртмалар бўйича ахборотларни қайта ишлаш жараёнининг тезкорлиги;
- 7- юкни жойлаштириш бўйича энг кам – минимал миқдорда амалга ошириладиган ҳаражатлар;
- 8- юкни етказиб бериш жараёнида сугурталаш мақсадида амалга ошириладиган ҳаражатларни энг кам миқдорда эканлиги.

Логистик хизмат кўрсатишнинг муҳим сифат белгилари (парметрлари) таркибиغا қуйидагилар киритилган:

- 1) мол етказиб берувчидан буюртма олинган вақтдан бошлаб, маҳсулотни истеъмолчи (буюртмачи)га етказиб берилгунгача бўлган оралиқ давр;
- 2) етказиб беришни амалга оширилишини ҳар қандай шароитда кафолатланганлиги;
- 3) буюртмачининг биринчи талаби бўйича етказиб беришни амалга оширилишининг амалий имконияти;
- 4) логистик тизимда зарурий заҳира (запас)ларнинг мавжудлиги;
- 5) мижозлар моддий-техник таъминотининг барқарорлиги;
- 6) буюртмалар бажарилишининг мижозлар талабларига мувофиқлиги кўрсаткичининг энг юқори-максимал даражада эканлиги;
- 7) амалдаги логистик тизимда буюртмаларни бажарилишининг юқорилаб борувчи даражадаги имконияти;
- 8) буюртмани логистик тизимда ҳар қандай вақтда жойлаштириш имкониятидан иборат қулайлик;
- 9) мол етказиб берувчи томонидан ижрога қабул қилинган буюртмани тезкор тартибда тасдиқланиши;
- 10) логистик хизматларга бўлган нархларнинг ҳаққонийлиги;
- 11) мижозларни логистик хизмат кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаражатлар даражаси ҳамда таркиби тўғрисида мунтазам равишда ҳабардор қилиб туриш;
- 12) товар кредитлари бериш ҳамда бепул кўрсатиладиган логистик хизматлар шаклида яширин тартибдаги чегирмаларни амалга ошириш каби имкониятларнинг логистик тизимда мавжудлиги;

13) омборларда ҳамда логистик тизимнинг бошқа ўзгарувчан трансформацион объектларида юкларга қайта ишлов бериш билан боғлиқ технологияларининг юқори даражадаги самарадорлиги;

14) товар маҳсулоти ўрамининг юқори сифатини таъминлаш;

15) контейнерлик ҳамда пакетлик юқ ташишларни амалга оширишнинг юксалиб борувчи имконияти.

Мижозларнинг сўровномаларига тезкор тартибда муносабат билдириш, сервис хизмат кўрсатишнинг маълум бир турини аниқлаш ҳамда танлаш имкониятини берадиган сервис хизматларининг маълум бир стандартлари жаҳон савдо амалиётида ишлаб чиқилган.

Сервис хизмат кўрсатишни ташкил этишининг бир неча турдаги тизми ҳалқаро амалиётда қўлланилади:

1) товарни ишлаб чиқарувчи томонидан хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

2) товарни ишлаб чиқарувчининг филиали ходимлари таркиби томонидан хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

3) сотиб олувчининг мамлакатида фаолият юритаётган ихтисослашган хорижий хизмат томонидан хизмат кўрсатишни ташкил этишни амалга оширилиши;

4) айрим турдаги ускуналарни ишлаб чиқарувчи фирмалар бирлашмаси-консорциуми томонидан хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

5) воситачиларни жалб этган ҳолда хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

6) хорижий сотиб олувчи ходимлари таркиби томонидан хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

Логистик сервиснинг байналмилаллашувига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омилар қаторига қуидагилар киритиш мумкин:

- турли мамлакатларда мавжуд меъёрий-хукукий ўзига хос тартибда тузилганлиги;

- давлатлараро тузилган ҳалқаро савдо ҳамда иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари;

- божхона қоидаларининг кўп ҳолларда ўзаро номувофиқ ҳамда турли туман бўлиши ҳолатлари;

- транспортга оид қонун ҳужжатларининг ҳар бир мамлакатда ўзига хос тартибда тузилганлиги;

- логистик сервис даражаларининг объектив тарзда турлича эканлиги;

- юқ ташишларнинг ахборот таъминоти даражасига қўйилган талабнинг турлича эканлиги;

- турли давлатларда мавжуд худудий, рельеф ҳамда иқлимга оид ўзига хос хусусиятлар.

Бахс мунозоралар учун саволлар

1. Транспортнинг қайси асосий гурухлари ажратиб кўрсатилади?

2. Транпорт логистикаси қайси вазифаларни амалга оширади?

3. Ташишнинг қайси турлари билан танишсиз?

4. Контейнер терминаллари қайси турдаги функцияни бажаради?

5. Ташувчилар учун қайси турдаги тизимлар мавжуд?

6. Аралаш юқ ташиш йўлининг моҳияти нимадан иборат?

7. Логистика транспорт тизимига қандай таъсир кўрсатади?

8. Транспорт хизматлари сифати бўйича асосий кўрсаткичларни келтириб ўтинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гайдаенко А.А., Гайдаенко О.В. Логистика. Учебник. 2-е изд. – М.: КНОРУС, 2009. – 277с.
2. Гаджинский А.М. Логистика. Учебник. 13-е изд. – М.: «Дашков и Ко», 2006. – 432с.
3. Канке А.А., Кашевая И.П. Логистика. Учебник. – М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2005. – 350с.
4. Неруш Ю.М. Логистика. Учебник. 4-е изд. – М.: ООО «Изд. Проспект», 2006. – 520с.

3-мавзу. Инновацион логистика: логистикада ахборот технологиялар

Режа

- 1. Инновацион логистика.**
- 2. Логистикада иқтисодий, математик ва иммитацион моделлар.**
- 3. Логистикада ахборот технологиялари: “touch screen”, “voice picking”, “pick by light”, RFID.**

Калит сўзлар: инновация, инновацион логистика, иқтисодий моделлар, математик моделлар, иммитацион моделлар, логистик ахборот технологиялари, 3PL, Manhattan Scale, WMS, <<20A>>, “touch screen”, “voice picking”, “pick by light”, RFID.

1. Инновацион логистика.

Логистикадаги инновациялар. Бизнес учун инновациялар кераклиги ёки керак эмаслиги айнан шу бизнес билан бевосита шугулланадиган одамларгагина аёндир. Чunksи, бизнесдаги технологик инновацияларга бўлган эҳтиёж ва уларни лоихаларга киритиш заруриятини факатгина бир йул билан. Яъни шароитни ичидан урганиб чиккандан кейин аниглаш мумкин. Ҳеч кандай билагон, хатто энг билимдон маслаҳатчи хам масалани синчиковлик билан урганиб чикмасдан туриб узоқ муддатли бизнес жараёнлари ҳақида ва уларни қандай автоматлаширишга оид маслаҳатларни бера олмайди.

Айнан шу фикрдан келиб чиккан холда яна бир тахмин: хакикий инновациялар (хакикий яъни, хакикатдан хам кимматли ва фойда келтирадиган инновациялар) айнан иш жараённида вужудга келади. Кузланган мақсадга эришиб ишлаб чикилган ихтирони хаётга тарғиб этиш учун факатгина маблаг ва ихтиро қилиш хошиш истаги етарли эмас. Маълум бир сабаб,(масалан шавкатсиз ракобат жангидаги голиб булмокетарли сабаб эмасми?) рагбатлантиручи омил хам булиши ва албатта масалани тубмоҳиятини тушуниш керак.

Бугун биз шундай муваффаккиятли мисоллардан бири хакида, яъни бизнес учун фойдали бўлган инновацион гояларни хаётга айнан шу бизнес оркали тарғиб этилгани хакида гаплашмокчимиз. Бизни назаримизда бу хакида маркетинг соҳаси мисолида гапирсак тугри булади. Шундай маркетинг билан узвий боғлик бўлган соҳалардан бири бу логистика. Маркетинг деганда нимани назарда тутамиз? Бу бизнес жараёнлари натижаси унинг фаолиятини самарадорлигига боғлик бўлган шарт шароитлар. Бизнес айрим давлат тузилмалари сингари давлат томонидан химояланмаган, унга хом-ашё конъектураси таъсири хам йук, у биринчи зарурият маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар орасидан хам урин олмайди. Логистикадаги шароит ва вазият айнан шундай. Логистика операторлари фаолияти ортида хач кандай мухим ахамиятга эга омил йук. Улар бевосита хеч кимни бокишимайди, даволашмайди ва халк эҳтиёжидағи зарур хизматлар хам кўрсатишмайди. Уларнинг фаолиятидаги муваффаккиятлари, факатгина уларни мижозларни жалб этиш ва улар билан доимий хамкорликда булиш кобилияtlари хамда юқори даражадиги хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлик: мижозлари бор ташкилот фаолият юрита олади, мижозлари булмаса ташкилот фаолияти тутатилади, ёки ташкилотни мижозлари булиши мумкин лекин керакли даражада тугри хизмат кўрсата олмаса хам вакт утиб ташкилот фаолияти тутатилади. Вазиятни

мураккаблаштириувчи омиллардан яна бири бу кўпгина логистик компаниялар юкларни ташиш ва саклаш буйича ортиқча ташаббус кўрсатишади. Кўпроқ мижоз орттириш учун аввало мижозни фойдаси ва манфаатини кузлаган холда айрим бизнес процесларни учинчи томон оркали амалга оширишга ишонтира билиш керак(масалан логистик компания юк ташиш билан шугулланса юкни саклаш бошка ташкилотга топширилиши) .

Бундай вазиятларда уз иш фаолияти даражасини кутариш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, нималар ҳисобига кўпроқ мижозларни жалб этиш ва улар билан хамкорликни саклаб колиш хакида кўпроқ уйлашга тугри келади. Айнан шундай шароитларда бизнес янги технологиялар хакида, ахборот тизимини жорий этиш хакида, бир суз билан айтганда инновациялар хакида уйлашни бошлайди. Мисол тарикасида <<20A>> логистик агентлиги фаолиятини келтирамиз. Рекламадан холи бўлган фактларни эътиборингизга тақдим этамиз.

<<20A>> Логистик агентлиги мижозларга юкларни саклаш ва улар билан муомала қилиш буйича кенг куламдаги **3PL** хизматларини тақдим этади. <<20A>> агентлиги иш жараёнлари ва ресурсларни мувофиқлаштириш хамда омборхона бошкарувини марказлаштриш мақсадида **Manhattan Scale** автоматлаштрилган бошкарув тизимини жорий этган. Компания мустакил равишда-учинчи томон **IT** интеграторини жалб килмаган холда уз мижозлари бухгалтерия тизимларини **WMS** **Manhattan Scale** тармогига улади. Омборхона технологик жараёни сегментар майдончаларга булинади: кабул қилиш майдончаси, буюртмаларни туплаш майдончаси, қўшимча ишлов бериш ва юклаб жунатиш майдончаси. Хар бир шундай майдонча уз ичидаги алоҳида майдончаларга булинган. Масалан, кабул қилиш майдончаси, юкларни идентификация қилиш, саралаш, тизимга кабул қилиш, депозит жойлаштириш. <<20A>> Логистик агентлиги жорий этган **WMS** тизими омборхона иш жараёнидаги барча одатий масалалар ечимини уз ичига олади. Аммо аник бир мижоз билан хамкорлик жараённида уни маҳсулотларининг хусусиятлари ва мижозни талабларига ахамият бериш керак. Шунинг учун бундай вазиятларда одатдаги масала ечимлари хар бир мижоз учун мослаштирилади.

Microsoft Dynamics AX, Microsoft Dynamics Nav, SAP R/3, Oracle Retail, JD Edwards, 1C дастурларининг **ERP** ажралмас интеграцияси ҳисобига электрон ахборот алмашинуви хар бир мижоз учун алоҳида созланади. Шунингдек <<20A>> Логистик агентлигининг **ИТ-департаменти(компаниянинг барча технологик ва ахборот инфратузилмалари бошкарувини уз зиммасига олган булим)** **METI** ва **SCALA** дастурлари билан интефейслар мослашувини йулга куйган.

Бундан ташкири агентликнинг **ИТ-департаменти** омборхона фаолиятидаги бир катор масалаларнинг инновацион ечими бўлган **ІСклад** иловасини хам жорий этган. Бу илова омборхонадаги иш жараёни учун бир катор куляйликлар тақдим этади ва хизмат кўрсатиш сифатини юқори даражада булишини таъминлайди. Масалан: омборхона иш жараённида катнашадиган барча дастурларни узаро боғлаб турди ва мутаносиблиқда ишлаш имконини беради, омборхона ходимлари тугридан тугри узаро **Ipad** ёки шу каби замонавий уяли алока воситалари оркали мулокотда булишлари мумкин, ушбу илова мижозлар учун хам кўпгина куляйликларни тақдим этади. Масалан: мижозлар омборхонадаги иш жараёнини ва уз юклари сакланиш холатини кузатиб боришлари, лоиха менеджери ва сифат булими ходимлари билан доимий мулокотда булишлари, компания веб-сайтидаги шахсий маҳсус офисларига киришлари ва таҳлилларни ишлаб чикишлари мумкин.

Шундай килиб янги технологиялар компания учун ракобатбардош афзаликларга эга булиш учун керак. Шунда гоя узини оклади.

Биринчидан, <<20А>> Логистик агентлигига **WMS** тизими мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширади. Чунки бу тизим нафакат мижозларни юкларини ишончли равишда саклаш ва юклаб жунатиш балким уларнинг умуман юкларини оқимини бошкариш хам даганидир.

Иккинчидан технологик янгиликлар мижозларни ишончини козонишга ёрдам беради. Одатда мижоз ва логистик агнетлиги хамкорлигининг дастлабки боскичларида иш жараёни мижоз учун номаълум тарзда кечади ва шу номаълумлик уртада кандайдир тусик бўлиб туради. Лекин замонавий техника ва иш жараёнидаги масалаларни инновацион ечими уртадаги тусикни батамом йукга чиқариб узок ва муваффакиятли хамкорлик гарови булади.

Логистик операторлар фаолиятини автоматлаштиришнинг яна бир афзалиги бор. Одатда омборхоналарда юк ташувчилар сони кўп булиши шарт. Чунки иш жараёни шуни такозо этади.

Хизмат кўрсатиш сифати эса кўпинча инсон омилига бевосита бөглиқ булади. Бундан ташкари ходимларга бериладиган ойлик иш хаки, кадрлар масаласи ва колган моддий сарф харажатлар хам одатда кўпроқ булади ва ташкилотнинг молиявий холатига сезиларли таъсир кўрсатади. Хозирги технологик ривожланиш ва ракобатчилик усиб бораётган пайтда хизмат кўрсатиш сифати ва молиявий масаларни иктисадий ечими долзарб мавзулардан ҳисобланади ва бу масалани ечими хар бир ташкилот учун энг мухим вазифалардан ҳисобланади. Юқорида айтиб утган хакикий инновация бевосита иш жараёнида вужудга келади деган фикримизни далили сифатида яна бир мисол келтирамиз. <<20А>> Логистик агентлиги **WMS** тизимини узлаштириш буйича асосий лоихани учинчи томон интегратори (ГК <<КОРУС Консалтинг>>) билан йулга куйган. Бирок кейинчалик мижозларни тизимга уланишлари ва ва қўшимча иловаларни ишлаб чикиш хак хукукини узида саклаб колган. Сабаб оддий-ИТ-лоихаларни амалга ошириш муддати. Чунки ит-лоихаларни агентликнинг шахсий ит-департаменти томонидан олиб борилиши ортиқча расмийчиликдан озод этади. Демак иш жараёнидаги муддатлар янада кискаради. Логистикадаги ракобатчиликда факатгина хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини узи етарли эмас. Сифатли хизмат кўрсатиш киска муддатларда амалга оширилиши керак. Ана шундагина ракобатчиликда ютиб чикиш мумкин.

Хуллас. Бизнесга инновацияларни жалб этиш сабабларини куриб чиқдик. Мисоллар келтирдик. Энди сухбатимизни энг сунги ва энг мухим қисмига етиб келдик. Технологик ривожланиш ва инновациялар кай даражада уз самарасини берганини исботлаш. Бу масалага икки томонлама ёндошиш мумкин. Бир томондан логистик оператор фаолиятида янги технологиялар кай даражада уз самарасини бергани ва ташкилот ривожланишига канчалик таъсир кўрсатгани: янги мижозларни жалб этиш йулидаги килинган ишларни ракамлардаги кўрсатгичи. Янги технологиялар иш жараёнини (ташкилотни уз имкониятларидан ва шароитидан келиб чиккан холда), кадрлар таркибини оптималлаштиришга күшган хиссаси ва омборхонадаги операцияларни амалга ошириш тезлиги.

Бошқа томонлама - логистик операторини алоҳида бир мижоз билан хамкорлик жараёнини самарадорлиги. Яъни мижозни **WMS** тизимига уланишининг самарадорлик кўрсаткичи хар бир мижоз билан хар сафар хар хил булади. Бундай лоихалар мижозлар учун иктисадий жихатдан тугридан тугри ва воситали фойдага эга. Масалан, маълум бир мижозни <<20А>> Логистик агентлигининг **WMS** тизимига

уланиши юкни туплаш сифатини 1.5% га ошириди. Бу кўрсатгич сезиларли даражада булмаслиги мумкин. Лекин бу кўрсатгич ташкилот иқтисодига, инвентаризацияга ва мижозларни садокатли булишларига қандай таъсир килганини хам назарда тутиш керак. Барча ракамлар маълум бир лоиха сунгида аник булади. Чунки умумлаштирилган иқтисодий кўрсатгич мавжуд эмас. Аммо бир нарсани аник айтишимиз мумкин: иш бошкарувидаги карорларни кабул қилиш ва сарф харажатларни оптималлаштириш учун маълум бир лоихаларни самарадорлигини ҳисоб қилиш имкониятига эга булиш жуда мухимдир. Бирок бу мавзу бизни сухбатимиз ва **WMS** тизими доирасидан ташкаридадир. Таъкидлаб утмокчимизки бошкарув ҳисобини автоматлаштириш ҳамда батафсил ва чукур аналитикани шакиллатириш мухим ахамиятга эга.

Хуросаларимиз: Бизнесда инновацияларга эҳтиёжни иш жараёни такозо этади. Инновациялар турткиси нима ҳисобланади? Бозор шароити ва бизнес эҳтиёжларини тушуниб етмолкли. Ижрочиси ким? Буни шароит ва вазият такозо этади лекин кўпинча фойдаланувчиларнинг узи. Инновациялар фойдасини баҳолаш мумкинми? Мумкин, лекин ёндошув ҳар хил булиши мумкин Энг мухими-замонавий технологик янгиликларни нима учун ва кайси мақсадда кераклигини чукур анграб етиш лозим. Акс холда харкандай инновация маблаг ва сармояни кукка совуриш дегани.

2. Логистикада иқтисодий, математик ва иммитацион моделлар.

Математик моделлар тирик организмларнинг тузилиши, ўзаро алоқаси, вазифасига оид қо-нуниятларнинг математик ва мантиқий-математик тавсифидан иборат бўлиб, тажриба маълумотларига кўра ёки мантиқий асосда тузилади, сўнгра тажриба йўли билан текшириб курилади. Биологик ҳодисаларнинг математик моделларини компьютерда ўрганиш текширилаётган биологик жараённинг ўзгариш характеристини олдиндан билиш имконини беради. Шуни таъкидлаш керакки, бундай жараёнларни тажриба йўли билан ташкил қилиш ва ўтказиш баъзан жуда қийин кечади. Математик ва математик-мантиқий моделнинг яратилиши, такомиллашиши ва улардан фойдаланиш математик ҳамда назарий биологиянинг ривожланишига қулав шароит тут'диради.

Математик моделлаштириш аниқ фанлардаги турли амалий масалаларини эчишда муваффакият билан қўлланиб келинмоқда. Математик моделлаштириш услуги масалани характерлайдиган у ёки бу катталикини миқдор жиҳатдан ифодалаш, сўнгра бўғлиқлигини ўрганиш имкониятини беради.

Услуб асосида математик модел тушунчаси ётади.

Математик модел - деб ўрганилаётган объектни математик формула ёки алгоритм кўринишида ифодаланган характеристикалари орасидаги функционал бўғланишга айтилади.

Компьютер ихтиро этилгандан сўнг математик моделлашнинг ахамияти кескин ошди Мураккаб техник, иқтисодий ва ижтимоий тизимларни яратиш, сўнгра уларни компьютерлар ёрдамида татбик этишининг ҳақиқий имконияти пайдо бўлди. Эндиликда обьект, яъни ҳақиқий тизим устида эмас, балки уни алмаштирувчи математик модел устида тажриба ўтказила бошланди. Космик кемаларнинг ҳаракат траекторияси, мураккаб мухандислик иншоотларини яратиш, транспорт магицралларини лойиҳалаш, иқтисодни ривожлантириш ва бошқалар билан бўғ'лик бўлган улкан ҳисоблашларнинг компьютерда бажарилиши математик моделлаш услубининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Одатда, математик модел устида ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш ҳақиқий объектни тажрибада тадбиқ этиш мумкин булмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда ўтказилади. Бундай ҳисоблаш тажрибасининг натижалари ҳақиқий объект устида олиб бориладиган тажрибага қараганда жуда аниқ эмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак. Лекин шундай мисолларни келтириш мумкинки, компьютерда ўтказилган ҳисоблаш тажрибаси ўрганилаётган жараён ёки ҳодиса ҳақидаги ишончли ахборотнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қиласди. Масалан, фақат математик моделлаштириш ва компьютерда ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш йўли билан ядрорий урушнинг иқлимга таъсири оқибатларини олдиндан айтиб бериш мумкин. Компьютер ядро қуролли урушда мутлоқ қ'олиб бўлмаслигини кўрсатади. Компьютерли тажриба Эр юзида бундай уруш оқибатида экологик ўзгаришлар, яъни ҳароратнинг кескин ўзгариши, атмосферанинг чангланиши, қутблардаги музликларнинг эриши рўй бериши, ҳатто, Эр ўз ўқидан чиқиб кетиши мумкинлигини кўрсатади.

Математик моделлашда берилган физик жараёнларнинг математик ифодалари моделлаштирилади. Математик модел ташки дунёнинг математик белгилар билан ифодаланган қандайдир ҳодисалар синфининг тақрибий тавсифидир. Математик модел ташки дунёни билиш, шунингдек, олдиндан айтиб бериш ва бошқаришнинг кучли услуби ҳисобланади

Математик моделни тахлил қилиш ўрганилаётган ҳодисанинг моҳиятига сингиш имкониятини беради. Ҳодисаларни математик модел ёрдамида урганиш тўрт босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич:—моделнинг асосий объектларини бозг'ловчи қонунларни ифодалаш.

Иккинчи босқич:—моделдаги математик масалаларни текшириш.

Учинчи босқич:—моделнинг қабул қилинган амалиёт мезонларини қаноатлантиришни аниқлаш. Бошқача айтганда, моделдан олинган назарий натижалар билан олинган объектни кузатиш натижалари мос келиши масаласини аниқлаш.

Тўртинчи босқич:—ўрганилаётган ҳодиса ҳақидаги маълумотларни жамлаш орқали моделнинг навбатдаги таҳлилини ўтказиш ва уни ривожлантириш, аниқлаштириш.

Шундай қилиб, моделлаштиришнинг асосий мазмунини объектни дацлабки ўрганиш асосида моделни тажриба орқали ва назарий таҳлил қилиш, натижаларни объект ҳақидаги маълумотлар билан таққослаш, моделни тузатиш (такомиллаштириш) ва шу кабилар ташкил этади.

Математик модел тузиш учун, дацлаб масала расмийлаштирилади. Масала мазмунига мос ҳолда зарур белгилар киритилади. Сўнгра катталиклар орасида формула ёки алгоритм кўринишида ёзилган функционал бозг'ланиш ҳосил қилинади. Айтиб ўтилганларни аниқ мисолда кўриб чиқамиз.

Ўйлаган сонни топиш масаласи (математик фокус). Талабаларга ихтиёрий сонни ўйлаш ва у билан қўйидаги амалларни бажариш талаб этилади:

- 1.Ўйланган сон бешга кўпайтирилсин.
- 2.Кўпайтмага бугунги санага мос сон(ёки ихтиёрий бозқа сон) қўшилсин.
- 3.Ҳосил бўлган йиг'индини иккилантирилсин.
- 4.Натижага жорий йил сони қўшилсин.

Олиб борувчи бироз вактдан сўнг талаба ўйлаган сонни топиши мумкилигини таъкидлайди. Равшанки, талаба ўйлаган сон математик фокусга мос модел ёрдамида

аниқланади. Масалани расмийлаштирамиз: X-ўқувчи ўйлаган сон, Y-хисоблаш натижаси, Н-сана, М-жорий йил. Демак, олиб борувчининг кўрсатмалари:

$$Y = (X \cdot 5 + H) \cdot 2 + M$$

формула орқали ифодаланади.

Ушбу формула масаланинг (математик фокуснинг) математик модели бўлиб хизмат қиласди

ва X ўзгарувчига нисбатан чизиқли тенгламани ифодалайди.

Тенгламани эчамиз:

$$X = (Y - (M + 2H)) / 10$$

Ушбу формула ўйланган сонни топиш алгоритмини кўрсатади.

Жамгариш самарадорлигини оширишга каратилган имитацион тизимни ишлаб чикишда энг юқори погонани ишлаб чиқариш функциялари асосидаги ягона секторли тараккиёт модели ташкил этди. Ушбу моделларда мамлакат иктисодиёти бир тармок сифатида куриб чикилиб, кенгайтирилган к.айта ишлаб чиқаришнинг куигина томонларини куриб чикиш ва тахлил қилиш, тегашли тарзда у билан ботик бевосита ва билвосита алокалар мажмуини тахлил қилиш имконини беради. Тартиблаш тизими баркарорлаштириш тадбирлари билан амалга оширилади. Бу жамгаришнинг инструментал ва нетз қўрсаткичларини аниклади, муҳимликни баҳолайди, тартиблаш чегараси ва даражасини, шунингдек, улар уртасидаги нисбатни аниклади.

Макроиктисодий истиқболни баҳолашда оптималлаштириш моделига оптималлик мезони сифатида балансланган усишда бир ишчига тугри келувчи истеъмол даражаси кабул килинади. Иккинчи погонада иктисодиётнинг асосий тармокдарини умумлаштириб, учта йирик тармокка келтирилган холда кўрсаткичлар табакалаштирилган тармоклараро баланс динамик модели кулланилади. Имитацион тизим моделларининг узаро боғликлек тузилмаси 1-чизмада кўрсатилган. Чизмада киришдан чикишгача узатиладиган ушбу қўрсаткичлар гурухндан блоклараро маълумотлар билан алмашиб кўрсатилган.

Бу тизим олдин ишлаб чикилганларидан сезиларли даражада фарқ қиласди. Тизим балансли ва оптимал характерга эга. Иктисодиётни катта микёсда тартиблашинг тузилган барча моделларида бозор иктисодиётининг иштирокчилари икки гурухга: 1) истеъмолчиларга; 2) ишлаб чиқарувчиларга булиниши кузда тутилади.

3. Логистикада ахборот технологиялари: “touch screen”, “voice picking”, “pick by light”, “multi-light”, RFID.

Логистик тизим асосида ахборот - техник базасининг ташкил этилиши, бошқаришда зарур бўлган стратегик ва тактик вазифаларни ҳал этишда ахборотларни йиғиш ва уларни ажратиб олиш асосий роль ўйнайди. Ахборотларнинг характеристи ва унинг сифатли ажратилиши қабул қилинадиган қарорларнинг натижасига катта таъсир кўрсатади.

Бу шу нарса билан боғлиқки, ажратиб олинган ахборотлар куйидагиларни ўз ичига олади, масалан: ўрганилаётган ҳалқа ёки предметнинг материал ёки пул оқимлари билан бошқарилишинигина эмас, балки ўша рақиб корхонанинг кучли ва бўш тамойилларини баҳолаш ҳамда у ёки бу масала тамойилларининг ечими ва йўқотиш таваккаллигини ҳам баҳолайди. Шундай қилиб, гап факат ахборотлар сонида эмас, балки стратегик ва тактик қарорларни ишлаб чиқишда зарур бўлган, биринчи навбатда ахборотларнинг сифатида ва уларни тўғри ажратиб олишдадир.

Логистик тизимнинг тузилиши амалиётда шуни кўрсатадики, ахборотларни тўғри ажратса билишда, уларни таҳлил қилиб, корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиб, ахборотларни йигиш ва тайёрлаш асосий кўрсаткичларига эътибор бериш зарурдир. Бундай таҳлил, шу соҳа бўйича пухта, қизиқувчи мутахассислар билан ўтказилиши лозим.

Бу соҳада маълум бўлган йўналишлардан бири, яъни ишчи гуруҳни ташкил этиш бўйича шу ахборотлардан фойдаланувчи мутахассисларни жалб этишdir. Рақобат ҳозирги замонда хўжалик юритишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун рақибларни тўғри баҳолаш маълум миқдорда шу корхонани бошқаришдаги камчиликларни ҳам баҳолашдир.

Материал ва пул оқимларини бошқаришда тез қарор қабул қилиш учун статистик ахборотлар, масалан, солиқлар, ишчиларга қўшимча иш ҳақи ва ҳоказолар катта роль ўйнайди. Бу каби ахборотлар корхона ичida материал оқимларини бошқаришни уларга маълум тузатишлар киритишнинг имконини беради.

Ахборотларни маълум тузилмага солиш ахборотларнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Ахборотларнинг қўйидаги кўринишлари мавжуд:

1) Маркетинг бўйича ахборот:

- маҳсулот сотилиш таҳлили;
- маҳсулот сотиш башорати;
- бозорни ўрганиш.

2) Тақсимланиш бўйича ахборот:

- ҳисоб вараклари;
- истеъмолчилар тўлови;
- транспорт накладнойлари;
- маҳсулотга буюртмалар.

3) Лойиҳа ахбороти:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган логистик хизматларга юклайдилар;

- асбоб - ускуналар бўйича чизмалар;
- операцион карталар;

4) Жамғармалар билан бошқариш:

- жамғармалар ҳисоби;
- материалларни бошқариш.

5) Молиявий ахборот:

- дебиторлар бўйича ҳисоб-китоб;
- молиявий бошқариш.

6) Ишлаб чиқариш бўлими:

- ишлаб чиқариш жараёнининг тўлов ҳисобини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ресурслари бўйича ҳисобот;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича ҳисобот;
- умумий вақт ичida маҳсулот ишлаб чиқариш жадвали;
- ишлаб чиқаришга буюртма;
- маҳсулот жўнатиш бўйича талабнома;
- товар - материал қийматларини ҳисоблаш.

7) Таъминот:

- тўлов рақамлари бўйича ҳисоб;
- сотиб олиш бўйича буюртмалар;

8) Логистик хизмат логистик хизмат бўйича юк хатларини ўрганиб чиқишидир.
- транспортни бошқариши.

Логистика ахборотлари тизими сифатининг ошиши, маҳсулот ғамлаб қўйилиши, жўнатаиш, омборга жойлаш, пул оқимларини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишда хизмат қиласди. Ахборот оқимларини йиғиши катта фойда беради, лекин булар харажатсиз бўлмайди.

Тескари алоқага эга ахборот тизими тушунчаси асосий тузилмани тузишда, логистик тизимни бошқаришдаги жараёнларнинг турли томонларини интеграциялашда асос бўлиб хизмат қиласди. Тескари алоқага эга ахборот атроф - муҳит имконияти яратилган, маълум тўғри қарорлар қабул қилиниб, улар шу муҳитни яхшилашга таъсир кўрсатган жойда мавжуд бўлади ва ЭҲМ базасида логистик ахборот тизимларини кўриш мобайнида бир қанча тамоилларга риоя қилинади ва улар қуйидаги тамоилларга амал қиласди.

1. Аппарат ва ахборот модулларини ишлатиш тамоили. Аппарат модули асосида радио аппаратуралар бош вазифасини мустақил бажарилган буюм сифатида тушунилади. Дастур ва аппарат модуллари тамоилига риоя қилиш шуни тақозо этади:

-бошқарувнинг турли даражаларидағи, ҳисоблаш техникаси ва дастурлар билан таъминлаш;

-логистика ахборот тизимлари вазифаси фойдасини кўтариш;

-улар нархини тушириш;

2. Шароитдан келиб чиққан ҳолда босқичма - босқич тизимини яратиш тамоили.

Бошқа автоматлаштирилган бошқариш тизимлари каби ЭҲМ базасида қурилган логистика ахборот тизимлари доимий ривожланишдаги тизимдир. Бу шуни билдирадики, лойҳалаштирилаётган вақтда доимий автоматлаштирилган объектларнинг ўсишини олдиндан кўриш, ахборот тизимлари орқали тарқатилаётган вазифалар ва ечиладиган масалалар сонини кенгайтириш. Лекин шуни назарда тутиш кераки, биринчи ўринли масалаларни танлаш логистик ахборот тизимларининг ривожланиши ва уни фойдали ишлатишга катта таъсир кўрсатади.

3. Тўғри келган жойини жуфтлаш.

Тўғри келиш жойларида, материал ва ахборотлар тўплами, ўз вазифаси чегарасидан ўтиб кетади. Шу тўғри келиш жойларидан ўзгарувчанлик билан ўтиб кетиш логистиканинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

4. Ўзгарувчан тизим тамоили.

5. Тизимдан фойдаланувчиларга қулайлиги тамоили «Инсон ва машина».

Логистика ахборот тизимлари уч гурухга бўлинади:

- режали;

- диспозицион;

- тезкор(вазифа ўтайдиган).

Ҳар хил гурухларга кирадиган логистика ахборот тизимлари ўз вазифавий ва таъминлайдиган тизимлари билан ажralиб туради. Вазифавий тизимлари ечиладиган масалалар таркиблари билан ажralади. Таъминловчи ахборот тизимлари ўзининг техникавий, ахборот ва математик таъминлаш элементлари билан ажralиб туриши мумкин. Биз алоҳида бир ахборот тизимларига тўхтаб ўтамиш.

Режали ахборот тизимлари. Бу тизимлар маъмурий бошқариш даражасида яратилади ва стратегик характерли узоқ муддатли ечимларни қабул қилиш учун хизмат қиласди.

Ечиладиган масалалар ичida қуйидагилар бўлиши мумкин:

- логистик гурухлар занжирини яратиш ва кенгайтириш;

- доимий - шартли ёки кам ўзгарувчан берилмалар.

Күйида бир неча мисоллар көлтирамиз:

Термостат ҳарорат бўйича ахборот олади ва печнинг ёқилиши бўйича қарор қабул қиласи, ҳарорат кўтаришса, печь ўчирилади.

Истемолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича қарорлар омбордаги жамғармалар ҳажми ва маҳсулотга буюртмалар билан боғлиқ бўлади.

Тескари алоқага эга ахборот тизими қуйидаги тавсифга эга:

Тузилма.

Кечикиши.

Тизимнинг кучайиши.

Тузилма тизимда маълум қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Кечикиш ахборотларни қабул қилишда мавжуд бўлади.

Тизимлар тамойилларига кўра, ҳар қандай тизим аввало ташки омиллар билан изланиши, сўнг ички тизимда изланиши шарт. Бу тамойил тизимнинг босқичма - босқич яратилиши тамойилидир. Логистика ахборот тизимларини лойиҳалаштириш вақтида бу тамойилга риоя қилиш шарт.

Логистика жараёнига келиш тизими уч даражага бўлинади:

Биринчи даража. Логистикада материаллар тўпламининг иш ўрни ҳаракатланади қадоқланади ва ҳоказо.

Иккинчи даража. Иш жойларини аниқлаш ва юкларни транспортлаш жараёни, ўтказилаётган жойи - худуд, цех, омбор.

Учинчи даража. Бу транспортга жойлаш, бутун бир ҳаракат тизими ва бир катор ҳодисалар занжиридир. Шу даражада бошланишидан олдин сотувчи хомашёни тушириш пайти деса бўлади, шу занжир яқунланиши эса тайёр маҳсулотларни истемолчиларга етказиб бериш бўлади.

Режали ахборот тизимларида логистик тизимни умумий материаллар тўплами билан боғлайдиган масалаларни ҳал этади. Шу билан бирга «сотув- ишлаб чиқариштарқатиши» режаси занжири бажарилади. Бу ишлаб чиқаришнинг фойдали тизимини ташкил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга режали тизимлар, логистик тизимлар ташки омил билан боғлангандай бўлади.

Диспозитив ва бажариш тизимлари белгиланган режаларни қисмларга бўлади ва уларни ишлаб чиқаришнинг алоҳида ҳудудларида бажарилишини таъминлайди.

Ҳар хил гурӯхларга тегишли бўлган логистик ахборот тизимларининг концепциялари асосида улар якка ахборот тизимига жамланади. Улар вертикал ва горизонтал интеграцияларга ажратилади. Вертикал интеграция режали, диспозитив ва бошқариш тизимлари ўртасидаги алоқа ҳисобланади. Горизонтал интеграция эса ахборот тўпламлари орқали диспозитив ва бажариш тизимларидаги алоҳида масалалар мажмуи орасидаги омил ҳисобланади.

Интеграциялаштирилган ахборот тизимларининг барча ютуғи қуйидагиларда акс этади:

- ахборот алмашуви тезлиги ошади;
- ишлаб чиқариши режалаштириш;
- захираларни умумий бошқариш;
- захираларни бошқариш ва бошқа масалалар.

Диспозитив ахборот тизимлари.

Бу тизимлар омборни ёки цехни бошқариш даражасида яратилади. Бу ерда қуйидаги масалалар бажарилиши мумкин:

- захираларни қисман бошқариш (омбор жойларида);
- корхона ёки омбор транспортини ишлатиш;

- юкларни танлаш ва уларни жойлаштириш, жўнатилаётган юклар ҳисоби ва бошқа масалалар.

Бажариш ахборот тизимлари. Тезкор ёки маъмурий бошқариш даражасида яратилади. Ахборотларга тизимларда ишлов бериш, ЭҲМ га келиб тушиш тезлиги амалга оширилади. Бу иш жадвали ҳозирги вактдаги юкларнинг ҳаракати ҳақида ахборот олиш ва уларга нисбатан маъмурий ва бошқариш таъсири кўрсатилади. Бу тизимлар билан ҳар хил масалалар бажарилиши мумкин: ишлаб чиқаришга тезкор хизмат кўрсатиш; бинолар, материаллар тўпламини бошқариш ва х.к.

Кўп даражали автоматлаштирилган тизимлар материал тўпламларининг бошқарилишини барпо этиш, дастур билан таъминлашни ишлаб чиқиш учун сарф қилиш билан боғлиқ. Бу бир томондан, тизимнинг кўп вазифалилигини таъминлайди, бошқа томондан эса унинг интеграция даражасини кўтаради.

Ҳозирги пайтда етарли даражада яхшиланган дастурлаш пакетлари яратилмоқда. Биргина улар ҳамма ахборот тизимларида ишлатила олмайди. Бу интеграциялар тўпламини бошқариш масалалари ечими бошқариш даражаси андозаларига боғлиқ:

-Масалаларни ечиш, юқори даражадаги андозаларини режалаштириш ахборот тизимларида баландроқ бўлади. Шу ерда тизимларни таъминлашга қўнишиб учун қийинчиликсиз эришишга ёрдам беради. Ахборот тизимларида уларнинг андоза пакетларини қўнитириш айрим сабабаларнинг келиб чиқиши билан боғлиқдир.

Масалан:

-ишлаб чиқариш жараёнининг олдиндан ўзлаштириб келиниши ва андозалар ўзгаришларига қийинчилик билан келади;

-маълумотлар қайта ишлаш тизими, ҳамма қўлловчиларда бир хил эмас.

Бажарувчи ахборот тизимларида тезкор даражада қоидадагидек, якка дастурларни таъминлашда ишлатилади.

Тизимнинг кучайиши бутун ахборот тизими ичидаги бўлиб, асосан логистик тизимда маълум қарорларни қабул қилишда кўринади.

Touch screen

Touch screen технологияси – бу сенсорли экран кўринишдаги ахборотларни киритиш мосламаси.



Pick-by-light ва multi-light

Ҳозиги кунда буюртмаларни йиғишида қоғоздан воз кечилган бўлиб ушбу буюртмаларни йиғишида турли тизмилар ишлаб чиқилган. Бу тизимлар орасида энг кўп қўлланиладигани бу – товарлар жойлашувини кўрсатишда ранг

индикаторларидан фойдаланишдир. Pick-by-light ва multi-light технологиялари буюртмаларни қайта ишлаш вақтини тежаш ва бажарыш сифатини ошириш имконини беради.



Pick-by-Voice

Pick-by-Voice тизими омборхоналарда комплектлаш учун ишлатиладиган овозли технологиядир. Voice технологияси асосида овоз орқали омборхона жараёнларини осон бошқариш имконини беради.

RFID

RFID (Radio Frequency IDentification) – объектларни автоматик аниқлаш усули бўлиб, радиосигналлар орқали RFID нишонларида ёки транспондерларда сақланувчи маълумотларни ўқийди ва ёзиб олади.



Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Логистикада ахборот тизимлар.
2. Логистика ахборот тизимларининг турлари.
3. Логистика ахборот тизимларини кўриш тамойиллари.
4. Логистика ахборот технологиялари.
5. Қайси ахборот логистика ахбороти билан таъминланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гайдайенко А.А., Гайдайенко О.В. Логистика. Учебник. 2-е изд. – М.: КНОРУС, 2009. – 277с.
2. Гаджинский А.М. Логистика. Учебник. 13-е изд. – М.: «Дашков и Ко», 2006. – 432с.
3. Канке А.А., Кашевая И.П. Логистика. Учебник. – М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2005. – 350с.
4. Неруш Ю.М. Логистика. Учебник. 4-е изд. – М.: ООО «Изд. Проспект», 2006. – 520с.

ТАҚДИМОТ

1-мавзу. Логистиканинг замонавий концепциялари.

Режа

- * Логистиканинг замонавий концепциялари.
- * Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing) концепцияси, унинг тамойиллари ва методологияси.
- * Логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил Қилиш.

Логистиканинг замонавий концепциялари.

- * Концепция – бу ёндашувлар тизими, Ҳодисаларни, жараёнларни у ёки бу тарзда тушунишdir. Моддий оқимларни бошқаришни оқилона ташкил этиш йўли билан хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёндашувлар тизими логистиканинг концепциясини характерлайди.

Бу концепциянинг ташкилэтувчилари бўлиб Қуйидагилар ҳисобланади:

логистика масалаларини ечишда тизимли ёндашув тамойилини амалга ошириш;

иқтисодий келишувлар асосида Қарорлар қабул қилиш;

бутун логистик занжир давомида харажатларни ҳисобга олиш;

логистикага корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш.

Тизимли ёндашиш тамойилини амалга ошириш.

Логистикада тизимли ёндашиш хўжалик юритувчи субъектларни ўзаро боғлиқ тизим остилар комплекси – ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилиш бўлинмалари сифатида кўриб чиқиши назарда тутади, улар ташқи муҳитдан олинадиган ва узатиладиган маълумотлар асосида бошқарилади.

Иқтисодий компромисс (келишув)лар асосида Қарорлар қабул қилиш

*— иқтисодий ккелишувларни ишлатиш ҳамда логистик жараёнда қатнашувчи ҳамма ишлаб чиқариш ташкилотларининг кизикиш доирасини намоён килувчи ҳисоболларда акс этади. Иқтисодий компромисслар асосида қарорлар қабул қилиш, товар ҳаракатининг алоҳида босқичларини туташув жойларида логистиканинг аралаш функциялари талабларини ҳисобга олиш заруриятини кўзда тутади.

Бутун логистик занжир давомида харажатлар Ҳисоби.

Логистиканинг асосий мақсадларидан бири – моддий оқимнинг бирламчи хом ашёдан то охирги истеъмолчигача етказиб беришга кетадиган харажатларни бошқаришdir.

Логистикага корхонанинг рақобатбардошлигини оширувчи омил сифатида ёндашиш.

Логистиканинг рақобатбардошлик омили сифатида кўриб чиқилиши, шу соҳада Қабул Қилинаётган Қарорлар, маҳсулот сотишдан тушадиган фойдага кўрсатадиган таъсири нуқтаи назаридан баҳоланиши зарурлигини кўзда тутади.

Логистиканинг асосий мақсадлари ва уларни амалга ошириш

Фаолият соҳаси бўйича	Логистиканинг асосий мақсадлари	Логистика мақсадларини амалга ошириш бўйича бажариладиган ишлар йўналиши
Материалларни харид килиш	Минимал нархлар бўйича харид килишни амалга ошириш. Келиб тушишинг ишончлилигини ошириш. Материаллар келиб тушиши ва кайта ишлаш жарабён-ларининг синхронлигини таъминлаш	Материалларга буюртмаларни шакллантириш. Етказиб берувчиларни танлаш. Материалларнинг келиб тушиш графигини ишлаб чикиш. Ишлаб чиқаришининг моддий ва техник таъми нотида катнашувчи бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш ва лойихалаштириш

Логистиканинг асосий мақсадлари ва уларни амалга ошириш

Фаолият соҳасини бўйича	Логистиканинг асосий мақсадларини ошиборадиган ишлар йўналтиш	Логистика мақсадларини амалга ошиборадиган бўйича бажариладиган ишлар йўналтиш
Махсулот чиқариш	<p>Ишлаб чиқариш жараёни-нинг узлуксизлигини таъминлаш.</p> <p>Олинган буюртмаларни таркиби ва сифат бўйича бажариш.</p> <p>Ишлаб чиқариш харажат-ларини камайтириш.</p> <p>Ишлаб чиқаришини ўзгарув-чан талабларга мослаштириш.</p> <p>Тайёр маҳсулотнинг захира даражасини камайтириш.</p>	<p>Ишлаб чиқариш жараёнида материалларни ташиш ишларини ташкил этиш.</p> <p>Иш жойларига материалларни етказиб беришни таъминлаш.</p> <p>Ишлаб чиқаришда моддий оқимни бошқариш.</p> <p>Ишлаб чиқаришда материаллар захирасини бошқариш.</p>

Логистиканинг асосий мақсадлари ва уларни амалга ошириш

Фаолият соҳасини бўйича	Логистиканинг асосий мақсадларини ошиборадиган бўйича бажариладиган ишлар йўналтиш	Логистика мақсадларини амалга ошиборадиган бўйича бажариладиган ишлар йўналтиш
Тайёр маҳсулотни сотиш	<p>Истеммолчилар талабини конквириш.</p> <p>Буюртма ва шартномаларга кўра маҳсулот етказиб бериш.</p> <p>Етказиб берувчи тизим тайёрлигининг ююри даражада бўлишини таъминлаш.</p>	<p>Махсулот истеммолчилари билан тўғри алоқаларнинг ўрнатилиши, буюртмалар портфели шаклтаниши.</p> <p>Истеммолчиларга маҳсулот етказиб беришни ташкил этиш.</p> <p>Истеммолчиларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш.</p> <p>Тайёр маҳсулотни омборга жойлаш-тиришни ташкил этиш.</p> <p>Тайёр маҳсулот захирасини бошқариш.</p>

Логистика тизими

Логистика тизими – бу моддий оқимларни бошқариш ва ташкил этишнинг шакллари, услублари ва қоидаларнинг йиғиндисидир.

Логистика тизими таркибида тизимостиларнинг учта даражаси ажратилади:

- элементли даражаси;
- функционал даражаси;
- ташкилий даражаси.

Логистика ва ишлаб чиқаришни режалаштириш.

Корхонада логистика хизмати ишлаб чиқаришни режалаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бу ишлаб чиқаришни, хом ашёни, материалларни, эҳтиёт қисмларни маълум миқдорда ва сифатда вақтида етказиб берилишига тобеълиги билан асосланади.

Тежамкор ишлаб чиқариш (lean production, lean manufacturing), Олти сигма (SIX-SIGMA) концепциялари, уларнинг тамойиллари ва методологияси.

Тежамкор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш концепцияси бўлиб, ушбу концепция барча турдаги йўқотишларни доимий равишида бартараф этишга қаратилган. Тежамкор ишлаб чиқариш бизнесни оптималлаштириш жараёнларига барча ходимларни максимал жалб этишни ва истеъмолчиларга йўналтиришни назарда тутади. Тоёта компаниясининг ишлаб чиқариш тизими фоясини жорий этиш натижасида юзага келган.

Тайити Оно 7 хил йўқотишларни ажратиб кўрсатади

1. қайта ишлаб чиқариш натижасидаги йўқотишлар
2. кутиш натижасида вақтнинг йўқотилиши
3. кераксиз транспортировка натижасидаги йўқотиш
4. ишлов бериш боскочларининг ортиқчалиги натижасидаги йўқотишлар
5. ортиқча заҳиралар туфайли йўқотишлар
6. кераксиз кўчишлар натижасидаги йўқотишлар
7. дефект маҳсулот ишлаб чиқариш натижасидаги йўқотишлар

Тежамкор ишлаб чиқариш концепциясининг асосий тамоилилари

- Аник маҳсулотнинг кийматини аниклаш.
- Мазкур маҳсулот учун кийматни ташкил этиш оқимини аниклаш.
- Маҳсулотнинг кийматини ташкил этиш оқими ҳаракатини узлуксизлигини таъминлаш.
- Истеъмолчига маҳсулотни тортиб олиш имконини бериш.
- Мукаммалликка интилиш.

Олти сигма (SIX-SIGMA)

Олти сига – Моторола корпорацияси томонидан 1986 йилда ишлаб чиқилган ва 1990-йй да оммалашиб кетган ишлаб чиқаришни бошқариш концепцияси. Концепциянинг моҳияти операцион фаолиятда сифатни яхшилаш, нуқсонларни ва статик қочишларни минималлаштиришдан иборат. Концепция сифатни бошқариш методлари шу жумладан статистик методлардан фойдаланади.

Олти сигма методикаси Қуидаги тамойилларга асосланади:

- Бизнесни мұваффақиятлы олиб бориш учун жараёнлар содир бўлишининг барқарорлиги ва олдиндан айтиш мүмкнинигига эришиш лозим;
- Ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнарининг кесишишларини характерлайдиган КРІ кўрсаткичларни ўлчана олиши, назорат қилина олиши, такомиллаштира олиниши лозим;
- Сифатни доимий яхшилаш мақсадида ташкилотнинг барча босқичдаги ходимлари айниқса раҳбар ходимларини жараёнга жалб этиш лозим.

Жараёнларни такомиллаштириш лойиҳаларини амалга оширишда қўпинча DMAIC (англ. define, measure, analyze, improve, control) босқичлари кетма кетилиги ишлатилади:

- Лойиҳанинг мақсади ва истиеъмолчиликтарнинг эътиёжларини аниқлаш;
- Жорий бажаришларни аниқлаш учун жараёнларни ўлчаш;
- Дефектлар келиб чиқиши сабабиларини таҳлил қилиш ва аниқаш;
- Дефектларни кисқартирувчи жараёнларни такомиллаштириш;
- Жараёнларнинг кейинги босқичларда ўзаро кесишишларини назорат қилиш.

DMAICдан ташқари SIPOC (supplier, input, process, output, customer) босқичлари кетма-кетлиги ҳам кенг қўлланилади.

2000 ййда олти сигма ва тежамкор ишлаб чиқариш концепцияларини қўшма ҳолда қўллаш оммалашди.

2011 йилда Халқаро стандартлаш ташкилот ИСО олти сигма методологиясига бағишиланган 13053 сериясидаги 2 та стандартни ишлаб чиқди булар ИСО 13053-1:2011 ва ИСО 13053-2:2011

Логистикада моддий оқимларни бошқариш ва тақсимотни ташкил қилиш.

Моддий оқим – бу вақт оралығыға келтирилған ва ҳар хил логистик амалларни жорий этиш жараёнида күриб чиқилаётган товар-моддий бойликларнинг йиғиндиcидир.

Моддий оқимлар ташиш, омборга жойлаштириш ва хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар Ҳамда тайёр маҳсулотлар билан бошқа моддий амалларни бажариш натижасыда юзага келади.

Моддий оқимларнинг ташқи ва ички, киравчи ва чиқувчи турлари ажратылади.

Ташқи моддий оқим – бу берилған логистик тизимге нисбатан ташқи мұхитда үтадыған оқимдир.

Ички моддий оқим – бу берилған логистик тизимге нисбатан ички мұхитда үтадыған оқимдир.

Киравчи моддий оқим – бу берилған логистик тизимге киравчы мұхитта үтадыған оқимдир.

Чиқувчи моддий оқим – бу берилған логистик тизимдан ташқи мұхитта чиқаётган моддий оқимдир.

Моддий оқимларни бошқариш материаллар Ҳаракатининг йұналиш параметрлерини аниқлашни құзда тутади, улар Қаторига қуийдагилар киради:

- моддий ресурсларнинг номланиши;
- моддий ресурсларнинг миқдори;
- бошланғич нұқта (таъминотчини танлаш);
- охирги нұқта (истеъмолчини танлаш);
- вақт (буортма бажарылыш муддати).

Ахборот оқими

Ахборот оқими – бу логистика ичида ва ташқи муҳит орасида айлангаётган ҳамда логистик жараёнларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотлар йиғиндисидир.

Молиявий оқим

Молиявий оқим – бу логистика тизимлари ичида, улар ўртасида ва ташқи муҳитда ҳаракатланувчи ҳамда моддий оқимларнинг самарали ҳаракатини таъминловчи молиявий маблағларнинг мақсадли ҳаракатидир.

Ички ишлаб чиқарувчи логистик тизимнинг тузилемаси бир қатор омиллар орқали аниқланади, улар орасида қуйидагиларни ажратиш мүмкун:

- ишлаб чиқариш диверсификацияси;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
- юкларни ташишни ташкил этиш услуби;
- заҳираларни бошқариш тизимининг тури.

Моддий оқимларни бошқаришнинг бир қанча тизимлари мавжуд:

MRP – материалларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш;

DRP – ресурслар тақсимланишини режалаштириш;

JIT – моддий ва ахборот оқимларини «аниқ вақтида» тамоили бўйича бошқариш;

KANBAN – «аниқ вақтида» тамоили бўйича моддий оқимларни тезкор бошқаришнинг ахборот таъминоти;

OPT – ишлаб чиқаришни оптималлаштириш технологияси.

2-мавзу. Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.

Режа

- * Транспорт логистикаси.
- * Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.
- * Ишлаб чиқариш логистикаси ва тизимири: АҚШ, Европа ва Япония тизимири.
- * Тижорат ва сервис логистикаси.

Транспорт логистикаси

Транспорт моддий ишлаб чиқариш соҳаси бўлиб, юк ва одамларни ташишни амалга оширади.

Вазифаси бўйича транспортни икки турга ажратилади:

Умумий фойдаланиш транспорти – юк ва йўловчиларни ташиб, барча халқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатади. Умумий фойдаланиш транспорти аҳолига ва хизмат кўрсатиш соҳасига хизмат кўрсатади. Умумий фойдаланиш транспорти ўз ичига темир йўл, сув транспорти (дарё ва денгиз) ни, автомобил, ҳаво транспорти ва трубопровод транспортини олади.

Умумий фойдаланишга мўлжалланмаган транспорт – ишлаб чиқариш ичидағи транспорт ҳамда нотранспорт ташкилотларига тегишли бўлган барча транспорт турлари.

Транспорт логистикасининг асосий вазифалари:

транспорт воситалари турини танлаш;

транспорт воситалари типини танлаш;

транспорт жараёнини омбор ва ишлаб чиқариш жараёни билан биргаликда режалаштириши;

Жархил турдаги транспортта транспорт жараёнини биргалинда режалаштириш(аралаш юн ташиб ҳолатида);

транспорт-омбор жараёнининг бирлигинитаъминлаш;

етказиб беришнинг рационал йўналишларини танлаш.

Ўзбекистоннинг халқаро коридорлардан фойдаланиш имкониятлари.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ташқи савдо юк ташувлари Қуийидаги асосий коридорлар орқали амалга оширилади:

Болтиқбўйи давлатларининг Клайпеда (Литва), Рига, Лиепая, Вентспилс (Латвия), Таллин (Эстония) портлари;

Белорусь ва Украина (Чоп ва Брест чегара постлари) орқали Европа мамлакатларига;

Украинанинг Ильичевск порти орқали Қора денгизга;

Шарқий йўналишда Хитой орқали СариҚденгизга, шунингдек, Находка ва Владивосток портларидан фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқариш логистикаси ва тизимлари: АҚШ, Европа ва Япония тизимлари.

Жаҳонда логистика марказлари интегрированында XXаср 80-90-йилларидаги Европанинг энг жаһониёлық портлари Антверпен ва Роттердам (Голландия), Гамбург (Германия), Лондон, Манчестер (Буюк Британия), Лиссабон (Португалия), Валенсия (Испания), Рим (Италия), Нант (Франция) каяби иирик порт шаҳарларда ташкил қилинган. 15-20 йил вақт ўтиб, мультимодал логистика марказлари бутун дунё бўйлаб ривожланди ва Қамрови ошиди. Ҳозирда 4 500 га яқин логистика марказлари бўлиб, унда жаҳон ялпли маҳсулотининг 15 фоизини (6,5 трин. \$) ташкил қилиувчи қиймат яратилади. Логистика марказларининг асосини ташкил қилиувчи хусусий логистика компаниялари сони з 000 дан ортиқ бўлиб, уларнинг йиллик даромади 2008 йилда з,6 трин. долларни ташкил қилган. Ҳисобкитобларга кўра ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб, з,9 трин. долларга етади. Бундан куриниб турибдики, логистика соҳаси инқироэдан кейин муҳим ривожланиш воситаси бўлиб қолади.

Халқаро мультимодал логистика марказлари ташкил қилиш борасида Осиё ўзига хос йўналишга эга. Осиё логистика тизимини ишлаб чиқариш ва транспортни ўзи чига олган Япония (Токио), Хитой (Гуанжоу, Шанхай, Гонг-Конг, Пянжин), Ҳиндистон (Бангалор, Дехли), БАА (Дубай), Сингапур (Сингапур), Малайзия (Куала-Лумпур) каби иирик логистика марказлари ядрои жойлашган давлатлар ташкил қиласи. Ҳозирда энг иирик логистика марказлари жойлашган халқаро портлар транспорт логистикаси асосида янгича ихтинослашган ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

Гонгконг, Тянжин ва Шанхай портлари бунга мисол бўла олади. Хитойда зПЛ логистикаси, таклиф занжири бошқаруви, божхона бошқаруви, ташқи ҳамкорлик, технологияли логистика, ўқув ва қайта тайёрлаш каби логистиканинг муҳим йўналишлари шаклланган. Осиё логистика саноати ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштириши ва тез ўсиши билан Европа тизимидан тубдан фарқ қиласи. Давлат ва бошқарув органлари ушбу соҳани доимий кўллаб-куvvatлайди. Сингапур, Корея ва Хитойда логистика тадқиқот институтлари ташкил қилинган бўлиб, бу доимий инновацион ривожланиш масалаларини ҳал қилишда кўмак беради.

Тижорат ва сервис логистикаси.

Умумий ҳолатда логистика соҳасидаги барча ишлар ҳамда операцияларни учта асосий тоифага ажратиб ўрганиш мумкин:

- Сотиш олдидан кўрсатиладиган тоифадаги хизматлар.

1. Сотиш олдидан кўрсатиладиган тоифадаги хизматлар:

Товар маҳсулотларини етказиб бериш бўйича логистик сервис

Буюртмалар ва истеъмолчилар

Буюртмалар тайёрлик даражаси

Етказиб беришларнинг ишончлилик даражаси

Сифат кўрсаткичи ва назорат

Етказиб беришлардаги аниқлик

Етказиб беришлардаги Қатъийлик

Етказиб беришлардаги муддат

Етказиб беришларнинг ҳолати

Буюртмага ишлов беришнинг сифат даражаси

Буюртма ижроси бўйича тезкорлик даражаси

2. Товарларни сотиш (реализация Қилиш) жараёнида кўрсатиладиган хизматлар.

Мазкур турдаги хизматлар моддий оқимлар харакатининг ҳамда маҳсулотни истеъмолчилар буюртмаларига Қатъий риоя этган ҳолда белгиланган манзилга етказиб берилишининг самарарадорлигини таъминлайди. Етказиб беришдаги ишончлилик даражасини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда етказиб берилаётган бирликлар партияларини тузиш (комплектлаш) ва саралаш, юқ бирликларини шакллантириш, ўраш, тамға босиш (маркировка) кабиларни Қайд этилган хизматлар сирасига киритиш мумкин.

3. Маҳсулот сотилгандан кейин амалга ошириладиган логистик хизматлар.

Кафолат бўйича кўрсатиладиган хизматлар, эҳтиёт қисмлар, Ҳаридорлар эътиrozларини кўриб чиқишга оид мажбуриятлар, Қайтариладиган оқимларни таъминлаш, маҳсулот алмашинувини амалга ошириш каби бир қатор хизматларни, Қайд этилган хизматлар таркибига киритиш мумкин.

Логистик хизмат кўрсатишнинг муҳим сифат белгилари (параметрлари) таркибиغا қуйидагилар киритилган:

- 1) мол етказиб берувчидан буюртма олинган вақтдан бошлаб, маҳсулотни истеъмолчи (буюртмачи)га етказиб берилгунгача бўлган оралиқ давр;
- 2) етказиб беришни амалга оширилишини Ҳар қандай шароитда кафолатланганилиғи;
- 3) буюртмачининг биринчитараби бўйина етказиб беришни амалга оширилишининг амалий имконияти;
- 4) логистик тизимда зарурий заҳура (запас)ларнинг мавжудлиги;
- 5) мижозлар моддий-техник таъминотининг барқарорлиги;
- 6) буюртмалар бажарилишининг мижозлар талабларига мувофиқлиги кўрсаткичининг энг юқори-максимал даражада эканлиги;
- 7) амалдаги логистик тизимда буюртмаларни бажарилишининг юқорилаб борувчи даражадаги имконияти;
- 8) буюртмани логистик тизимда Ҳар қандай вақтда жойлаштириш имкониятидан иборат Қулайлик;

9) мол етказиб берувчи томонидан ижрога кабул килинган буюртмани тезкор тартибида тасдикланиши;

10) логистик хизматларга бўлган нархларнинг ҳакконийлиги;

11) мижозларни логистик хизмат кўрсатиш максалида амалга ошириладиган харажатлар даражаси ҳамда таркиби тўгрисида мунтазам равишда ҳабардор килиб туриши;

12) товар кредитлари бериш ҳамда бепул кўрсатиладиган логистик хизматлар шаклини яширин тартибдаги четирмаларни амалга ошириш каби имкониятларнинг логистик тизимда мавжудлиги;

13) омборларда ҳамда логистик тизимнинг бошка ўзгарувчан трансформацион объектларида юкларга кайта ишлов бериш билан боғлик технологияларининг юқори даражадаги самараадорлиги;

14) товар маҳсулоти ўрамининг юқори сифатини таъминлаш;

15) контейнерлик ҳамда пакетлик юк ташишларни амалга оширишнинг юксалиб борувчи имконияти.

З-мавзу. Инновацион логистика: логистикада ахборот технологиялар

Режа

Инновацион логистика.

Логистикада иқтисодий, математик ва
иммитацион моделлар.

Логистикада ахборот технологиялари: “touch screen”, “voice picking”, “pick by light”, RFID.

Инновацион логистика.

Бизнес учун инновациялар кераклиги ёки керак змаслиги айнан шу бизнес билан бевосита шугулланадиган одамларгагина айнады. Чунки, бизнесдаги технологик инновацияларга булган эхтиёж ва уларни лоихаларга киритиш заруриятини факатгина бир йул билан. Яъни шароитни ичидан урганиб чиккандан кейин аниклаш мумкин. Ҳеч кандай билагон, хатто энг билимдөн маслаҳатчи хам масалани синчиковлик билан урганиб чикмасдан туриб узоқ муддатли бизнес жараёнлари Ҳақида ва уларни қандай автоматлаштиришга оид маслаҳатларни бера олмайди.

Логистикадаги инновациялар

